

Имом Абу Ҳанифа Нўъмонга мансуб

Фикҳул акбар

Матнининг энгил ва содда шарҳи

Савол ва жавоб шаклида

Мусанниф

Муҳаммад Абу Бакр Абдуллоҳ Базиб

Таржимон

Анвар Аҳмад

Тошкент
2020

تبسيط متن فقه الأكبر

المنسوب للإمام أبي حنيفة النعمان
على الطريقة السؤال والجواب

إعداد

د. محمد أبو بكر عبد الله باذيب

طشقند
2020

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Савол: Ақида илми нима?

Жавоб: Ақида илми шундай илмки, у ўта аҳамиятли бўлгани учун қалб унга маҳкам боғланиши шарт. Зеро охиратдаги нажот фақат ақида орқали бўлади. Кимнинг ақидаси соғлом бўлса, унинг иймони ҳам соғлом бўлади ва азобдан қутулиб қолади. Агар акси бўлса, азобга гирифтор бўлади.

Савол: Ушбу ақида илмини бошқа исмлари ҳам борми?

Жавоб: Ҳа, ақида илмининг бошқа исмлари ҳам бор. Улардан:

– **Тавҳид** (Аллоҳ таолони ягона деб билиш) **илми:** Ушбу исм билан номланди, чунки унинг мақсад ва ғояси Аллоҳ таолонинг ягоналигига эътиқод қилиш ва унга ақлий ва нақлий далиллар билан етишишдир.

– **Калом илми:** Ушбу исм билан номланишига сабаб, унда калом ва фалсафа баҳси борлиги ҳамда тафсилоти ва жузъий бўлаклари зикр қилингани учундир.

– **Усулиддин илми:** Бу ном билан аталишига сабаб, чунки ақида илми аслдир. Бошқа фуруъ (шаҳобча) илмлар ақиданинг устига бино қилинади.

Усулиддин ақидавий баҳс ва ҳукмлардир. Унинг муқобилида фуруъ илми туради. Фуруъ илми фикҳ, шариатнинг фуруъ масалалари ва ҳукмларини баён қилади.

Савол: Ақида илмининг қисмлари нечта?

Жавоб: Ақида илми уч қисмга бўлинади.

1. Илоҳиёт: Аллоҳнинг исм ва сифатларини баҳс қилувчи масалалар, Аллоҳ ҳақида нима вожиб, ва нима жоиз ҳамда нима маҳол эканини ҳамда қазо ва қадарни баҳс қилади.

2. Нубувват: Набий ва Расулларни ҳолатини ҳамда пайғамбарлар ҳақида нима вожиб, нима жоиз ва нима маҳол экани ҳақида баҳс қилади.

3. Самъийёт (Ғайбийёт): фаришталарга, охират кунига иймон келтириш каби ғайбий масалаларни баҳс қилади.

Савол: Дин нима?

Жавоб: Дин – иймон ва исломни ўз ичига олиб, шариатнинг барчасини ифодалайди. Ёки дин одамларни ҳидоятга бошлаш учун Аллоҳ томонидан ваҳий орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган илмий ва амалий ҳукмларнинг мажмуъасидир.

Савол: Жаброил алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисларига биноан диннинг рукни нима?

Жавоб: У, ислом, иймон ва эҳсондир. У куйидаги ҳадисда келган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан ўтирган эдилар, ҳузурларига Жаброил келди ва: «Иймон нима?» деди. У зот: «**Иймон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Унга рўбарў бўлишга ва Унинг расулларига иймон**

келтиришинг ва қайта тирилишга иймон келтиришинг», дедилар.

«Ислом нима?» деди. У зот: «Ислом – Аллоҳга ибодат қилишинг ва Унга ширк келтирмаслигинг, намозни барпо тўқис адо қилишинг, фарз қилинган закотни адо этишинг ва Рамазон рўзасини тутишинг», дедилар.

«Эҳсон нима?» деди. У зот: «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Гарчи Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турур», дедилар.

«Қиёмат қачон?» деди. У зот: «Бу ҳақда сўралувчи сўровчидан билимлироқ эмас. Сенга унинг аломатлари ҳақида хабар бераман. Чўри ўз хожасини туғса, йўқсил туябоқарлар кимўзарга бино қурса... У (қиёмат вақти) Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган беш нарса жумласидандир», дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Соат (қиёмат) илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир...»¹ оятини тиловат қилдилар.

Сўнгра у ортига қайтди. У зот: «Уни қайтаринглар», дедилар. Улар ҳеч нимани кўришмади. Шунда у зот: «Бу – Жаброил, одамларга динларини ўргатгани келибди», дедилар».

Абу Абдуллоҳ айтади: «У зот буларнинг барчасини иймондан санадилар».

Имом Бухорий ривояти.

Ушбу ислом, иймон ва эҳсон сўзи аллома саййид Аҳмад Машхур ал-Ҳаддод Боълавий ал-Ҳусайний

¹ Лукмон сураси-34 ,оят.

(1416-х) роҳимаҳуллоҳнинг икки байтида жамлангандир.

Башорат берувчи пайгамбар динни роббилари томонидан бутун инсоният ҳидояти учун олиб келди.

У уч рукни, яъни ислом, иймон ва эҳсонни ўзида мужассам қилгандир.

Тавҳиднинг асли

Савол: Тавҳиднинг асли нима?

Жавоб: Тавҳиднинг асли соғлом эътиқодни юзага келтиради. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларида келган олтита ишга иймон келтиришни тақозо қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аллоҳга, фаришталарга, китобларига, расулларига, охират кунига, қадарнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришинг", деб айтганлар. (Имом Муслим ривояти).

Мукаллаф (шариат амалларини бажариш юкланган) шахс ҳисоб-китоб, мезон (амалларни ўлчовчи тарозу), жаннат ва дўзахнинг барчаси ҳақ эканига эътиқод қилишидир.

Ислом ва иймоннинг таърифи

Ислом – таслим бўлиш ва Аллоҳ буйруқларига бўйин эгишдир.

Исломнинг рукни бешта:

1. Иймон. 2. Намоз. 3. Рўза. 4. Закот. 5. Ҳаж.

Иймон – иқроп бўлиш ва тасдиқлаш.

Иймоннинг рукни олтитадир:

Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхши ва ёмонига иқрор бўлиш.

Савол: Ислом билан иймоннинг ўртасида фарқ борми?

Жавоб: Ислом билан иймоннинг ўртасида умумийлик ва хослик бор. Гапнинг натижаси шуки:

Ислом – машҳур бўлган Исломдаги беш рукни адо қилиш. У, шаръий ва амалий ҳукмларни ўзида мужассам қилганидир.

Иймон – иқрор ва тасдиқ маъносидадир. Унинг ўрни қалбдир. У, ботиний ва қалбий ҳукмларни ўзида мужассам қилгандир. Иймонсиз соғлом Ислом йўқ. Исломсиз соғлом иймон йўқ. Бу иккисининг мисоли худди қорин билан орқа бел кабидир.

Ислом ва иймонни бирга бўлишида тасдиқ ва ихлос бўлиши шартдир. Ким тасдиқловчи бўлмаса, демак у кофирдир. Ким мухлис бўлмаса, у мунофиқдир.

Савол: Мусулмон, мўмин, кофир ва мунофиқ орасида нима фарқ бор?

Жавоб: Мўмин – тасдиқловчи, мухлис мусулмондир. У Қуръон ва суннатда келган нарсани тасдиқловчи, қалбидан ихлос қилувчи ва Исломий шариат аҳкомларига эргашувчидир. У мусулмон ва ундан бироз зиёдарокдир.

Аммо мунофиқ иймонсиз мусулмондир. Чунки у ихлосни йўқотди. Ихлос Исломнинг фақат зоҳир рукнларига олиб борар эди. Мунофиқнинг дини ноқисдир.

Аmmo кофир мусулмонсиз ва иймонсиз кишидир. Чунки у тасдиқни ҳам, ихлосни ҳам биргаликда йўқотди. У динсиздир.

Савол: Иймон зиёда ёки ноқис бўладими?

Жавоб: Ҳа, иймон тоат-ибодат билан зиёда бўлади ва гуноҳ-маъсият билан ноқис бўлади.

Аллоҳнинг сўзидан қуйидаги оят далил бўлади.

"(Аллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат-ором туширган Зотдир" (Фатҳ сураси, 4-оят).

"Бас, у (сура) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилди ва улар шод-хуррам бўлурлар" (Тавба сураси, 124-оят).

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Осмон ва Ер аҳлининг иймони зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмайди. Мўминлар иймон ва тавҳидда баробар, амалларда фазилатлидирлар".

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг сўзларини маъноси шуки, Аллоҳга иймон келтиришнинг асли иқроп ва тасдиқлашдир. У зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмайди. Лекин солиҳ амалларда тафовут бўлади. Бу ердаги хилоф лафзийдир.

Савол: Аллоҳ таолонинг маърифатида нима нарса вожиб?

Жавоб: Ашъарийлар Аллоҳ таолонинг маърифатини шариат билан билиш вожиб деб айтишган. Булар ушбу сўзларига Исро сурасининг қуйидаги 15-оятини далил қилиб келтиришган.

"Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (у орқали ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз" (Исро сураси, 15-оят).

Мотуридийлар: "Аллоҳ таолонинг маърифатини ақл билан таниш вожиб", деб айтишган.

Мўътазилийлар ҳам орада фарқ ва ихтилоф билан шунга ўхшаш сўзни айтишган.

Савол: Мотуридийя билан мўътазила орасидаги келишув ва ихтилофнинг кўриниши қандай?

Жавоб: Иттифоқ ва ихтилофнинг ўзига хос кўринишлари бор. Улар:

А) Иттифоқнинг кўриниши: Аллоҳ таолонинг маърифати ақл билан билиш вожиблиги. Бу ҳақда юқорида ўтди.

Б) Ихтилофнинг кўриниши: Шариат ва ҳукмларни маърифати ва ўрганилиши.

Мотудийлар: "Шариатни маърифати фақат шариат йўли, яъни расулларни юбориш билан бўлади. Бу масалада Ашъарийлар Мотуридийларга мувофиқ келишди.

Аммо мўътазила фирқаси: "Шариатнинг маърифати худди Аллоҳнинг маърифати каби ақл билан ҳам вожиб", деб айтишди. Бу масалани "Таҳсин" ва "Тақбих", деб ҳам номланади. Мана шу бизнинг хулосамиздир.

Савол: Маърифатнинг вожиблигидаги хилофни билишнинг фойдаси нима?

Жавоб: Фойдаси шуки, аҳли сунна вал жамоанинг жумҳури фитрат² аҳлининг нажот топишини айтишган.

"Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (у орқали ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз" (Исро сураси, 15-оят).

Аmmo мўътазила фирқаси: "Фитрат аҳли азобланадилар. Чунки ақл йўли орқали Аллоҳ маърифатини қўлга киритиш вожибдир", деб айтишган.

Мотуридий Ҳанафийлардан баъзилари, масалан Ҳанафийлардан мулла Алий қори ҳазратлари (1014-ҳижрийда вафот топган) Пайғамбар алайҳиссаломнинг ота-оналарини Қиёматда нажот топишмайди, деб айтганлар. Бу киши Абу Ҳанифанинг "Фикҳул акбар" китобини баъзи нусхаларида "Набий алайҳиссаломнинг ота-оналари куфрликда ўлишган", деб айтилган, дедилар.

Лекин баъзи муҳаққиқ уламолар мулла Алий қорига раддия бериб, "Фикҳул акбар"даги матннинг асли "Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота-оналари кофир бўлмаган" лафзида эди, дейишган.

² "Фитрат" (ёки "фатрат") сўзи луғатда бирор вақт оралиғи маъносида ишлатилади. Уламолар истилоҳида эса у икки пайғамбар келган пайт ўртасидаги даврни ифодалайди.

Бу сўз, хусусан, Исо алайҳиссалом ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарлик даврлари оралиғидаги вақтга нисбатан қўлланади. Ана шу пайтларда яшаб ўтган инсонлар "фитрат аҳли" – узилиш даврида яшаганлар, деб номланади.

Баъзи уламоларнинг фикрича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар этиб юборилганларидан кейин дунёга келиб, кимсасиз ерларда, якка-ёлғиз ҳолда тоғларда яшаб, Ислому хабарини эшитмаганлар ҳам фитрат даврида яшаган инсонлар ҳукмидадирлар.

Бу ҳолатдаги инсон мотуридийлик ақидасига кўра, фақат ўзининг ва оламнинг Яратувчиси борлигини идрок қилиши керак. Иймоннинг бошқа шартлари, ибодатлар ва Ислому ҳукмларини ақл билан топиб бўлмагани боис улардан масъул бўлмайди.

Ашъарийликка кўра эса, бундай одам Аллоҳ таолонинг борлигига иймон келтирмаса ҳам нажот аҳлидан бўлаверади. Аммо кўпчилик уламолар мотуридийлик қарашларига қўшилганлар.

Мулла Алий қори кўрган нусхаларида "Маа" инкор ҳарфи тушиб қолган.

Мулла Алий қорига раддия берганлардан бири 1101-ҳижрий санада вафот қилган аллома Муҳаммад ибн Расул Барзанжий Ҳусайний ал-Маданийдир. Бу киши ўзининг катта китобини "Садодуд дайн ва сидодуд дийн", деб номлаган.

Ва яна раддия ёзганларнинг иккинчиси, Усмонли давлатининг мутааххир уламоларидан, 1371-ҳижрий санда вафот қилган шайх, муҳаққиқ Муҳаммад Зоҳид Кавсарийдир. Аллоҳ буларнинг барчасидан рози бўлсин!

Савол: Аллоҳ таоло яратган олам нечта?

Жавоб: Оламлар тўрттадир.

1. Зарра олами.
2. Дунё олами.
3. Барзах олами.
4. Охират олами.

Савол: Зарра олами нима?

Жавоб: Унинг далили Аллоҳнинг қуйидаги оятидадир.

«Парвардигорингиз одам болаларининг белларидан (яъни пушти камаридан то қиёмат кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан сен Парвардигоримизсан. Бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг. (Сизлардан бундай гувоҳлик – аҳду паймон олишимиз) қиёмат кунда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир. Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг

ўргатган йўлларига эргашган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан?» демасликларингиз учундир» (Аъроф сураси, 172-173-оятлар).

Изоҳ: Халқ орасида машҳур бўлган «алмисоқ, алмисоқдан қолган», деган ибораларнинг асл мазмуни юқоридаги икки оятда мазкур бўлди. Қуръон бизга уқтиришича, Аллоҳ таоло ўз қудрати билан Одам алайҳиссаломнинг белидан ундан тарқайдиган барча зурриётларни чиқариб, уларга ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач, «Айтинглар-чи, мен сизларнинг роббингиз эмасманми?» деганида, улар «Парвардигоро, ўзинг барчамизнинг роббимизсан. Бизлар бунга гувоҳ бўлдик», деб Аллоҳга аҳду паймон, яъни «мисоқ» берган эканлар. Шунинг учун ислом уламолари «Кимда-ким кофир бўлса, ёки динидан қайтса, ўзининг Аллоҳ таолога берган мисоқидан қайтган бўлади», дейдилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ҳар бир тугилган бола тоза ҳолда – исломда тугилади, кейин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилиб бузуқ тарбия беришади» деган ҳадисларининг мазмуни юқоридаги оятлар мазмунига ҳамоҳангдир.

Имом Абу Ҳанифа: "Одам зурриётини унинг белидан чиқариб, уларни оқил ҳолатга келтирди. Уларга хитоб қилиб, уларни иймонга келишга буюрди ва куфрга кетишдан наҳий қилди. Улар учун рубубиятга³ иймон келтиришга иқроп қилдирди.

³ Рубубият тавҳиди, яъни Аллоҳ таолони яратиш, ризқ бериш, ҳаёт бахш этиш, ўлдириш, бутун борликни бошқариш каби ишларида яқка-ягона деб билиш, Роббул оламин бўлган У зотдан бошқа ҳеч қандай Робб – Тарбиятқунанда йўқ деб эътиқод қилиш. Улуҳият тавҳиди ёки ибодат тавҳиди. Зеро, улуҳият маъноси Аллоҳ аzza ва жаллага муҳаббат, кўрқув ва умид билан, буйруқларига итоат қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан ибодат

Улар ана шу фитратда туғилдилар. Ким ана шундан кейин куфр келтирса, ўша фитратни ўзгартирибди. Ким иймон келтириб, тасдиқласа, уни исботлабди ва унда бардавом бўлибди.

Савол: Фитрат нималигини айтинг?

Жавоб: Фитрат⁴ – банда махлуқ эканини ва унинг холиқи борлигини билишидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

"Бас, (эй Мухаммад алайҳиссалом), ўзингизни доимо тўғри бўлган Динда (яъни, Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни (сақланг)! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг Тўғри Дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар", деб айтган (Рум сураси, 30-оят).

Ҳадиси шарифда: "Ҳар бир бола табиий хилқатда — Исломда дунёга келур. Сўнг уни ота-онаси ё яҳудий қилурлар ё насроний қилурлар ва ё мажусий қилурлар", деб айтилган.

(Имом Бухорий, ва Муслим ривояти).

Демак, инсон ҳар икки дунёда ҳам руҳан, ҳам жисмонан бахтли-саодатли бўлиши учун одамлар ўйлаб чиқарган турли оқимлирга — сохта динларга кириб кетмасдан ўзининг яралган табиий хилқати — Исломида собитқадам бўлмоғи лозим экан.

1 ИЛОҲИЁТ

қилиш, яъни Аллоҳ таолони Унинг Ўзи бандаларига машруъ қилган ишлар билан ёлғизлаш демакдир.

⁴ «Фитрат» дегани, соф табиат, динни тўғри қабул қилишга бўлган истеъдод, деганидир. Табиат сўзи бир нарсанинг асл яратилиши ва ўзгармай турадиган ҳолати деган маънони билдиради.

Бандаларнинг феъллари ҳақидаги баҳс

Савол: Мўмин киши иймон келтиришга мажбурми? Кофир куфр келтиришга мажбурми?

Жавоб: Бу масалада хусусида уч хил сўз бор.

1. Жабрийя фирқасининг сўзи:

Банда мажбурдир, унда ихтиёр йўқдир. Банда шамол эсгандаги патнинг ҳолати кабидир. Иймон билан куфр зарар бермайди. Куфр билан тоат зарар бермайди.

2. Мўътазила фирқасининг сўзи:

Банда ўзининг феъллини яратишга қодир. Куфр ва иймонни банда ўзи яратади.

3. Аҳли сунна вал жамоанинг ақидаси:

Албатта Аллоҳ таоло халқидан бирор кишини куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбурламайди. Яна халқини мўминликка ва кофир бўлишга ҳам мажбурламайди. Лекин уларни мажбурлашдан йироқ ҳолда ва Яратувчиларининг маърифатига табиатан мойил қилиб яратди.

Аҳли сунна айтади:

Банда ўз феъли ва амалини яратмайди. Лекин Аллоҳ ихтиёр қилиш қудратини ато қилган. Банданинг феъллари касбий бўлиб, уларнинг фойда ёки зарарига ҳал бўлади. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"(Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир", деб айтган. (Бақара сураси, 286-оят).

Мана шу аҳли сунна вал жамоанинг мазҳабидир.

Савол: Касбий дегани нимани англатади?

Жавоб: Аллоҳ унга ўз қудрати билан жойлаштириб, бандага ихтиёр имконини беришидир.

Ким қайси амални бажарса, у яхшиликларни ёки ёмонликларни касб қилиб қўлга киритади. Мана шу касб тақозо этган нарса билан Аллоҳнинг хоҳиши орқали савоб ва иқоб бўлади.

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Банданинг барча феъли-амали, ҳаракат ва ҳаракатсизлиги, ҳақиқатни касб қилиб қўлга киритиши, буларнинг барчасини Аллоҳ халқ қилувчидир. Уларнинг барчаси Аллоҳнинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари сабабдир.

Савол: Тоат ва маъсиятлар орасидаги фарқ нима?

Жавоб: Тоат ва маъсиятларнинг барчаси Аллоҳнинг илми, хоҳиши ва тақдири билан юзага келади. Бунинг орасидаги фарқ қуйидагичадир:

1. Тоатларни Аллоҳ таоло яхши кўради, унга буюради ва рози бўлади.

2. Гуноҳ-маъсиятларни Аллоҳ таоло яхши кўрмайди, унга буюрмайди ва рози ҳам бўлмайди.

Савол: Банда қандай мўмин ёки кофир бўлади?

Жавоб: Иймон ва куфр, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳамда барча феъллар (амаллар) банданинг касбидандир. Чунки Аллоҳ уларни соф фитратда яратган. Аллоҳ таоло феълларни яратувчи зотдир.

Банданинг иймони – унинг феъли, иқрори ва тасдиқлаши орқали юзага келади.

Банданинг куфр келтириши – унинг феъли, инкори ва қаршилиги сабаб юзага келади.

Савол: Тоат билан маъсиятнинг орасидаги фарқни ёритиб берадиган икки мисолни зикр қилинг?

Жавоб:

Биринчи мисол: Умар ибн Хаттобнинг исломга киришлари. Умар ибн Хаттоб аввалига кофир бўлиб, бут ва санамларга ибодат қилганлар. Сўнгра мусулмон бўлиб, Исломда вафот қилганлар.

Иккинчи мисол: Абу Жаҳл куфр ҳолида яшаб, куфр ҳолида вафот топган. Умар ибн Хаттоб каби мусулмон бўлиши мумкин эди. Лекин Исломдан юз ўгирган.

Умар ибн Хаттобнинг кофирлик пайтини Аллоҳ яхши кўрмайди, унга буюрмайди ҳам, ундан рози ҳам бўлмайди.

Умар ибн Хаттобнинг исломини Аллоҳ яхши кўради, унга буюради ва ундан рози бўлади.

Абу Жаҳлнинг куфрдалиги ҳам шу кабидир.

Савол: Умар ибн Хаттоб Исломга қандай қилиб кириб қолдилар-у, Абу Жаҳл нима учун куфрликда қолиб кетди?

Жавоб: Умар ибн Хаттоб Аллоҳнинг тавфиқи билан мусулмон бўлдилар. Абу Жаҳл эса, Аллоҳ таолонинг хорлаб, ёрдамсиз қолдиргани сабаб куфрликда қолди.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Аллоҳ таоло халойиқни куфр ва иймондан омонда қилиб яратди. Сўнгра уларга хитоб айлаб, буюриқ қилди ва қайтарди. Феъли, инкори ва ҳақни тан олмаслиги ҳамда Аллоҳ ёрдамсиз қолдириб, хорлагани сабаб куфр келтирганлар куфрда давом этди. Лекин феъли, иқрори ва тасдиғи ҳамда Аллоҳ

таолонинг тавфиқи ва унга нисбатан ёрдами сабаб иймон келтирганлар иймонда бардавом бўлди.

Савол: Тавфиқ нима? Ёрдамсиз ташлаб, хорлаш нима?

Жавоб: Тавфиқ – бандада тоат-ибодатга куч-қудратни яратиши.

Ёрдамсиз ташлаб, хорлаши – бандада гуноҳ-маъсиятга куч-қудратни яратиши.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

Аллоҳ таоло хоҳлаган кишини Ўз фазли билан ҳидоят қилади. Хоҳлаган кишини адли билан залолатга кетказди. Залолатга кетказиши уни хорлаб, ёрдамсиз қолдириши ва бандани Ўзи рози бўладиган нарсага муваффақ қилмаслиги айна адолатидир. Шунингдек, гуноҳи учун хорлаган кишини азоблаши ҳам айна адолатидир.

Савол: Бандадан иймонни тортиб олишда шайтоннинг таъсири борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло Қуръони каримда шайтон инсонни йўлдан оздиришга қурби етиши ҳақида исботлаб, шайтоннинг тилидан ушбу оятларни нозил қилди:

"(Иблис) айтди: "Энди Сенинг қудратингга қасамки, албатта уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги (айрим) покиза бандаларинггина (Ҳақ Йўлдан озмай қолурлар)". (Аллоҳ) деди: "Ҳаққа (қасам). Фақат ҳақни айтурманки, албатта Мен жаҳаннамни сен ва (одамлар) орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!" (Сод сураси,82-85-оятлар).

Имом Абу Ҳанифа айтдилар:

Шайтон мўмин банданинг қалбидан иймонни қаҳр ва мажбурлаган ҳолда тортиб олади, деб айтиш жоиз эмас. Лекин банданинг ўзи иймонни ташлайди. Ана шу пайтда ундан шайтон иймонини тортиб олади.

Савол: Аллоҳ таоло итоат қилувчига савоб, гуноҳ қилувчига азоб бериши вожибми?

Жавоб: Халқига нисбатан Аллоҳ таоло учун бирор нарса вожиб эмас, чунки У Зот яратувчидир. Балки мусулмон киши эътиқод қилиши лозим нарса шуки, Аллоҳ таоло бандасига фазл марҳамат ва адолат қилувчидир. Банда ҳақли бўлган савобни фазли марҳаматига олиб бир неча баробарга кўпайтириб беради. Гоҳида адолатига олиб гуноҳи сабаб жазога тортади. Гоҳида фазлига олиб афв қилиб юборади.

Ибн Раслон роҳимаҳуллоҳ ўзининг "Софватуз зубад" номли манзумаларида қуйидаги байтни келтиради:

Илоҳ учун вожиб нарсанинг ўзи йўқ.

Итоат қилган кишини фазли билан савобга йўллар.

Хоҳлаганини адли билан азобга йўллар.

Савол: Аллоҳ таоло маъдум (йўқлик)ни биладими?

Жавоб: Ҳа, Аллоҳ таолонинг илми барча нарсага, яъни мавжуд нарсага ҳам, маъдум нарсага ҳам тааллуқлидир.

Имом Абу Ҳанифа айтдилар:

Аллоҳ таоло маъдумни йўқлик ҳолатида ҳам билади. Уни борлиққа чиқарганда қандай бўлишини ҳам билади. У Зот мавжуд нарсани бор ҳолатида ҳам билади. Яна ўша бор нарсани қандай йўқ бўлишини ҳам билади.

Савол: Махлуқотлар хусусида Аллоҳнинг илмини баён қилувчи қоидани зикр қил?

Жавоб: Аҳли сунна уламоларининг қуйидаги сўзи қоида бўлади:

Аллоҳ таолонинг илми бўлиб ўтган, энди бўладиган, ҳали бўлмаган, агар бўлса қандай бўлишини қамраб олгандир.

Савол: Аллоҳ таолонинг илми ўзгарадими?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг илми ўзгармайди ҳам, алмашмайди ҳам.

Бу ҳақда имом Абу Ҳанифа:

"Аллоҳ таоло кофир ҳолда куфр келтирган кофирни билади. Агар ана шундан кейин иймон келтирса, иймонли ҳолатида мўмин бўлганини ҳам билади. Илми ва сифати ўзгармасдан уни яхши кўради. Аллоҳ тик турган ҳолатдаги қоим кишини билади. Агар ўтирса, ўтирган ҳолдаги ҳолатини ҳам билади. Ўша билишда Унинг илми ўзгармайди ёки бирор илм унда содир бўлмайди. Лекин ўзгариш ва фарқланиш махлуқотларда содир бўлади.

Савол: Қазо ва қадар нима?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Аллоҳ таоло нарсалар юзага чиқишидан олдин уларни азалдан билувчи Зотдир. У Зот нарсаларни

тақдир қилди ва амалга оширди. Дунё ва охирадаги барча нарса У Зотнинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, лафҳул маҳфузда ёзганига асосан амалга ошади. Лекин лафҳул маҳфузга ёзиши васфийдир, ҳукмий эмас. Қазо, қадар ва хоҳиши кайфиятсиз азалдаги сифатларидандир.

Савол: Қазо ва қадарнинг орасида нима фарқ бор?

Жавоб:

Қазо: Нарсалар юзага келишини Аллоҳ таоло азалда билиши ва уни ҳукм ўлароқ эмас, балки васф билан ёзишидир.

Қадар: Бандадан феъл юзага келиши ва ўз ихтиёри ва касби сабабли содир бўлишидир.

Имом Таҳовий роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Қадарнинг асли Аллоҳнинг халойиқдаги сиридир. Ўша сирдан на муқарраб фаришта ва на набий ва расуллар хабардор бўла олмайди.

Савол: Қазо ва қадар масаласида баҳс ва мунозара иймонни зиёда қиладими?

Жавоб: Илм аҳли айтишича, қазо ва қадар масаласида чуқурлашиш инсонни иймон даражасидан шак-шубҳа ва куфрга олиб чиқади. Аллоҳ бундан асрасин!

Имом Таҳовий айтдилар:

Қазо ва қадарга чуқур киришиш ва унга назар солиш хорлик учун дастак, маҳрумлик учун нарвон, туғён учун зинадир. У хусусда назар солиш, фикр юритиш ва васвасага дучор бўлишда эҳтиёткорлик лозим. Аллоҳ таоло қадар илмини халқидан яширган ва унга интилишдан ман этгандир.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасининг 23-оятида:

"У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни, бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар", деб айтган.

Нима учун бундай қилган? Деб сўраса, батаҳқиқ Аллоҳнинг китобидаги ҳукми рад этибди. Кимки Аллоҳнинг китобидаги ҳукми рад этса, кофирлардан бўлибди.

Савол: Аллоҳ таолога ҳақиқий ибодат қилишга бирор кишининг қурби етадими?

Жавоб: Йўқ, бирор киши Аллоҳ таолога ҳақиқий маънода ибодат қилишга қодир эмас.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

"Бирор киши Аллоҳга ҳақиқий ва лойиқ маънода ибодат қила олмайди. Лекин У Зот китобида ва Расулининг суннатида буюрганидек Унинг амри билан ибодат қила олади.

Сифатлар баҳси

Савол: Аллоҳ таолонинг ваҳдониятининг маъноси нима?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг ваҳдониятининг маъноси шуки, Аллоҳ таоло сон жиҳатидан эмас, лекин унинг шериги йўклиги жиҳатидан бирдир. У Зот туғмайди ва туғилмайди. Унинг тенги ҳам йўқдир. У халқидан бирор нарсага ўхшамайди. Халқдаги бирор нарса ҳам Унга ўхшамайди. У Зот исмлари ҳамда зотий ва феълий сифатларида бардавомдир.

Савол: Сифатлар ҳақидаги мутакаллимларнинг мазҳаблари нима?

Жавоб: Сифатлар хусусида мутакаллим ва файласуфларнинг бир неча мазҳаблари бўлиб, уларнинг машҳурлари қуйидагилардир.

1. Файласуфлар мазҳаби:

Улар сифатларнинг барчасини инкор қиладилар. Чунки сифатлар холиқ билан махлуқлар орасидаги муштарак лафзлардир. Холиқ махлуқлар сифатланган нарса билан сифатланмаслиги вожибдир. Булар хато мазҳабдадирлар.

Файласуфларга жавоб шуки, лафздага шериклик ҳақиқий шерикликни вожиб қилмайди. Холиқнинг қудрати махлуқнинг қудратидан бошқадир.

2. Мўътазила мазҳаби:

Улар Аллоҳ таолонинг маъоний сифатларини инкор қилиб: "Қудратсиз қодирдир, иродасиз хоҳловчидир, илмсиз олимдир...каби нарсаларни айтишади. Булар ҳам хато мазҳабдадирлар.

Мўътазилийларга жавоб шуки, сифатларнинг кўп сонли бўлиши зотнинг кўп сонли бўлишини келтириб чиқармайди.

3. Аҳли сунна вал жамоанинг мазҳаби:

Аллоҳ таолонинг азалий ва собит сифатлари бўлиб, унинг учун Қуръони каримда ва ҳадису набавийда насс (далиллар) бор. Аллоҳ таоло Ўзига нисбат берган нарсаларни тамсилсиз (тенг қилмасдан), ташбеҳсиз (ўхшатмасдан) ва таътилсиз (яроқсиз қилмасдан) нисбат берамиз.

Савол: Мусулмон киши Аллоҳ таолонинг сифатлари хусусида нималарни билиши шарт?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Биз Аллоҳ таолони Ўзининг китобида васф қилганидек жамики сифатлари билан васф қилиб, ҳақиқий маърифат билан таниймиз. Аллоҳ таолонинг сифатлари зотий ёки феълий ёки хабарий бўлади. Буларнинг барчаси қадим ва азалийдир.

Савол: Аллоҳ таолонинг сифатлари азалийдир, дегани нима маънони англатади?

Жавоб: Азалий бу қадимий бўлиб, ҳодис, яъни янги пайдо бўлмаганини англатади. Ҳодис, яъни янги пайдо бўлиш Аллоҳнинг амри билан махлуқларда содир бўлади.

Имом Абу Ҳанифа айтдилар:

Аллоҳнинг азалдаги сифати ҳодис эмас, яъни янги пайдо бўлган эмас ҳамда махлуқ ҳам эмас. Ким уни махлуқ ёки янги пайдо бўлган деса ёки уни устида тўхталса ёки шак қилса, у киши Аллоҳ таоло ҳаққида кофир бўлибди. Аллоҳ таоло Ўзининг сифатлари ва исмларида бардавомдир. Унинг учун сифат ҳам, исм ҳам янги пайдо бўлмаган.

У Зот илми билан олимликда бардавомдир. Илм азалдаги сифатдир.

У Зот қудрати билан Қодирдир. Қудрат азалдаги сифатдир.

У Зот Ўзининг каломи билан гапирувчидир. Калом азалдаги сифатидир.

У Зот яратиши билан Холиқдир. Яратиш азалдаги сифатдир.

У Зот феъли билан амалга оширувчидир. Феъл азалдаги сифатдир.

Амалга оширувчи Аллоҳдир. Феъл азалдаги сифатдир. Бажарилмиш махлуқдир. Аллоҳнинг феъли махлуқ эмасдир.

Савол: Аллоҳнинг сифатлари баробарми ёки фазилат борасида тафовутлими?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Исмлар ва сифатларнинг барчаси улуғликда ва фазилатда бир хилдир. Уларнинг орасида тафовут йўқдир.

Мотуридийлар наздида сифатларнинг тақсимооти

Савол: Абу Ҳанифа ва Мотуридийлар наздидаги сифатларнинг тақсимооти қандай?

Жавоб: Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг сифатларини икки қисмга бўлдилар:

1. Зотий сифат. У еттига сифатдан иборатдир.
2. Феълий сифат. У бешта сифатдан иборатдир.

Феълий (таквиний) сифатлар	Зотий сифатлар
1. Халқ қилиш (тахлик)	1. Ҳаёт
2. Ризқ бериш (Тарзиқ)	2. Қудрат
3. Барпо қилиш (Иншо)	3. Илм
4. Яратиш (Ибдоъ)	4. Калом
5. Ясамоқ, яратмоқ (ас-Сунъу)	5. Эшитиш
Ва бундан бошқа яратиш сифатлари	6. Кўриш
	7. Ирода

Ашъарийларнинг сифатлардаги тақсимоотлари

Савол: Ашъарийларнинг сифатлардаги тақсимотлари нима?

Жавоб: Ашъарийлар 20 та зотий ва феълий сифатларни исботлаганлар. Ана шу 20 та сифатни 4 қисмга бўлганлар:

1. Нафсий сифат.
2. Салбий сифатлар.
3. Маънавий сифатлар.
4. Маъоний сифатлар.

Савол: Ашъарийларнинг сифатларни тақсимлашларини батафсил сўзлаб беринг.

Жавоб: Ашъарийлар сифатларни қуйидагича тақсимлашган.

Сифатлар	Уларнинг сони	Сифатларнинг қисмлари
Вужуд	1	Нафсий сифат
Қидам, бақо, халқ қилганига муҳолифлик, Ўзи қоим бўлиши, бошқалардан беҳожат бўлиш	5	Салбий сифатлар
Қудрат, ирода, эшитиш, кўриш, ҳаёт, илм, калом	7	Маъоний сифатлар
Қодир бўлиши, ирода қилиши, эшитувчи бўлиши, кўрувчи бўлиши, тирик бўлиши, олим бўлиши, гапирувчи бўлиши.	7	Маънавий сифатлар

Савол: ал-Қадим ва ал-Ҳодиснинг маъноси нима?

Жавоб: ал-Қадим Аллоҳнинг сифати бўлиб, унинг маъноси қуйидагичадир:

Оламни пайдо қилувчи ва холиқи бўлган Аллоҳнинг аввали ҳам, бошланиши ҳам йўқдир.

«У Зот аввал ва охирдир» (Ҳадид сураси, 3-оят).

Ал-Ҳодис махлуқдир, яъни жамики махлуқотдир. Чунки у Аллоҳнинг буйруғи билан пайдо бўлгандир. Аллоҳ уни пайдо қилувчи ва юзага чиқарувчисидир.

Аллоҳ таоло Раъд сурасининг 16-оятида: **«Аллоҳ барча нарсани Яратгувчидир ва У Танҳо Ғолибдир»**, деб айтган.

Савол: Мухолафа лил ҳавадис (Ҳодисаларга мухолиф) дегани нима маънони англатади? Унинг далили нима?

Жавоб: Ҳодисаларга мухолиф дегани, Роббиси халқидан бирор нарсада ўхшамаслигини банда эътиқод қилишидир. Бунга қуйидаги: **"Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир"** (Шўро сураси, 11-оят) далил бўлади.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

Аллоҳнинг сифатларини барчаси махлуқотларнинг сифатларини хилофидир. У Зот билади, лекин бизнинг билганимиз каби эмас. У Зот қодир бўлади, лекин бизнинг қудратимиз каби эмас. У Зот кўради, лекин бизнинг кўришимиз каби эмас. У Зот гапиради, лекин бизнинг гапиришимиз каби эмас. У Зот эшитади, лекин бизнинг эшитишимиз каби эмас.

Хабар орқали исботини топган сифатлар

Савол: Хабар орқали исботини топган сифатлар қайси?

Жавоб: Улар шундай сифатки, ақл уни исботлашига йўл йўқ. Унинг нақл ва шаръий насс (далил) орқали исботланади.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

Аллоҳнинг қўли, юзи ва нафси бордир, худди Аллоҳ таоло уларни Қуръонда зикр қилганидек.

Аллоҳ таолонинг Қуръонда зикр қилган юз, қўл ва нафси зикр қилиши, кайфиятсиз сифатларидир.

Савол: Хабар орқали исботини топган сифатлар хусусида уламолар икки мазҳабга бўлинишган. Ўша иккиси ким?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоани хабар орқали исботини топадиган сифатлар ва унинг маънолари хусусида икки мазҳаби бордир. Улар:

1. Тафвиз (таслим бўлиб, топширувчилар) мазҳаби. У салаф (аввалги)лар мазҳабидир.

Бу мазҳабнинг хулосаси:

Сифатларнинг таъвилидан⁵ ва унинг маънолари хусусида шўнғишдан ўзини тийиш. Ҳамда бу хусусда

⁵ Таъвил сўзи истилоҳда – аниқ маънодан ноаниқ бир маънога ишора ва далиллар асосида кайтишдир.

(Тафсир билан таъвилнинг фарқи шундаки, тафсир лафздан кўзланган мақсадни баён қилишдир. Таъвил эса маънодан кўзланган мақсадни баён қилишдир.)

Мутақаддим уламолар тафсир ва таъвил бир маънода, яъни тафсирдан таъвил, таъвилдан эса тафсир ирода қилинган дейишган.

Мутаааххир уламолар эса, улардан Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ тафсир билан таъвилнинг ўртасини фарқлаб шундай таъриф берганлар:

Тафсир – (бу) лафздан мурод будир, деб қатъий қилишлик (яъни айтишлик) ва Аллоҳ таоло лафздан буни қасд қилган деб Аллоҳни гувоҳ қилишлик. Агар муфассирнинг шу сўзига қатъий далили бўлса, у саҳиҳдир. Лекин (яъни агар лафздан мурод будир, деб қатъий айтса ва Аллоҳ таоло бу лафздан шуни қасд қилган, деб Аллоҳни гувоҳ қилса-ю, лекин қатъий далил унинг хилофига гувоҳлик берса,) у рай билан тафсир қилиш дейилади ва бу қайтарилгандир.

Таъвил – қатъий қилмасдан, Аллоҳни гувоҳ қилмасдан бир неча эҳтимолли маънолардан бирини қувватлашлиқдир.

Юқорида рай билан тафсир дейилди. У ўз хузуридан, ўз хоҳиши билан тафсир қилишга айтилади. Бундай тафсир сабабидан қатъий ижмоъ қилинган масала ёки салафи солихларнинг ижмоъ қилган ақийдаси ўзгариб қолиши мумкин.

Аммо саҳиҳ тафсир – бу далил ёки қарина билан қилинган тафсирдир.

Аллоҳ таолога топшириб, таслим бўлишдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"У сизга китоб нозил қилган зотдирки, у (китобдан) шу китобнинг асли-моҳияти бўлган муҳкам – аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа муташобеҳ – бир-бирига ўхшайдиган ёки шубҳали ва тушиниш қийин бўлган, фақат муҳкам – равшан оятлар ёрдамидагина ҳақиқий маъносини биладиган оятлар ҳам (ўрин олгандир). Бас, дилларда (ҳақ йўлдан) оғиш бўлган кимсалар (одамларни) алдаб, фитнага солиш ва (ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ) таъвил-тафсир қилиш учун унинг муташобеҳ оятларига эргашишадилар. Ҳолбуки – бундай оятларнинг таъвилини (ҳақиқий маъносини) ёлғиз Аллоҳгина билур – илмда собитқадам бўлган кишилар эса «У китобга иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Парвардигоримиз ҳузуридандир», дейдилар. Ва фақат аҳли донишларгина панд-насихат олурлар" (Оли имрон сураси, 7-оят), деб айтган.

2. (Ички, ҳақиқий маъносини айтиб) таъвил қилувчи мазҳаб. У халаф (кейингилар) мазҳабидир.

Бу мазҳабнинг хулосаси:

Хабар орқали келган сифатларнинг маъноларини луғавий ҳақиқатидан буриш вожибдир. Чунки, мушаббиха ва мужассималарга ўхшаб қолишдан хавфсираб шундай қилингандир. Бунда Аллоҳ таолонинг **"Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир"** (Шўро сураси, 11-оят) далил қилишган.

Жавҳара китобининг соҳиби қуйидаги байтни келтирганлар:

Ҳар бир насски, ташбеҳга яқинлашиб қолса, сен уни таъвил ёки тафвиз қилиб, уни поклагин.

Савол: Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳнинг "Фикҳул акбар" китобида таъвил, қадарийя ва мўътазила аҳлининг сўзларидир, деган қавллари бор. Мана шу таъвил ҳақиқатда ёмонланганми?

Жавоб: Ҳа, "Фикҳул акбар" китобида имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

Унда: Аллоҳнинг қўли Унинг қудрати ёки неъматидеб айтилмайди. Чунки унда сифатнинг ботил қилиш бор. У қадарийя ва мўътазилаларнинг сўзидир. Лекин Унинг қўли кайфиятсиз⁶ сифатидир. Унинг ғазаби ва розилиги Аллоҳ таолонинг кайфиятсиз сифатларидандир, деб айтилади.

Маълумки, имом Абу Ҳанифа яшаган давр анча олдин бўлган. У зот 150-ҳижрий санада вафот топганлар. Яъни, энг афзал замонларда яшаб ўтганлар. У даврларда каломга оид бидъатлар, фалсафалар ва даҳрийлик таълимотлари тарқалмаган эди. Шунинг учун ўша даврда кибор уламоларнинг наздида таъвил қилиш бидъат ва номаъқул иш ҳисобланар эди. Лекин кейинги даврларда динни инкор қилувчи даҳрийлик таълимоти ва фалсафалар тарқалгач омманинг эътиқоди ўзгариб кетишидан хавфсираб, аҳли сунна уламолари таъвил мазҳабини ушлашди. Улар худди Ибн Аббос ва имом Бухорий каби саҳоба, тобеъин ва солиҳ салафлардан ташкил топган жамоанинг таъвилини далил қилишди. Улар баъзи сифатларни таъвил қилишгани ворид бўлган.

⁶ Кайфиятсиз дегани, уни сўз қилиб гапиргани қайси кайфиятда бўлганини билиб бўлмайди, деганидир. Масалан, Аллоҳнинг каломи деганда, каломнинг Аллоҳ таолодан бўлгани маълум, ammo қайси кайфиятда содир бўлгани маълум эмас.

Бундан аниқ бўладики, таъвил салафлар тутган йўл экан, аммо у даврда машҳур бўлмаган. У даврларда тафвиз машҳур бўлган.

Савол: Имом Абу Ҳанифанинг сўзларида таъвил содир бўлганми?

Жавоб: Ҳа, Ҳадису қудсийда келган яқин ва узоқ сўзлари хусусида таъвил қилганлар.

«Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зироъ яқинлашаман. Агар у Менга бир зироъ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Менга юриб келса, Мен унга чопиб бораман».

Имом Абу Ҳанифа унинг шарҳида: "Аллоҳнинг яқинлиги ёки узоқлиги масофанинг узун ёки қисқалигида эмас. Лекин у каромат ва тубанлаштириш маъносида. Итоаткор киши кайфиятсиз Аллоҳга яқин бўлади. Гуноҳкор кайфиятсиз узоқ бўлади. Яқинлашиш, узоқлашиш ва юзланиш муножот қилувчида бўлади. Шунингдек, жаннатда қўшни бўлиши ва ҳузурида туриши кайфиятсиз бўлади.

Савол: Имом Абу Ҳанифанинг таъвилдан ман этишлари ва Қудсий ҳадиснинг маъносини тафсир қилишдаги таъвиллари орасини қандай жамлаш имкони бор?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа ва улардан бошқаларнинг таъвилдан ман этишлари билан ҳадисдаги яқинлик ва узоқликнинг маъносини таъвил қилиш орасини жамлаш имконимиз бордир. Салафлар насс (далил)нинг таъвилини "Мураккаб мажоз" ёки "Тамсилий истиъора" қабилида

ишлатишган. Аммо мўътазила ва халафларнинг кўпчилиги "Каломни муфрад мажозга ҳамл қилиш" қабилида ишлатишган.

А) Муфраддаги мажозга мисол: Қўлни қудратга таъвил қилиш. Бу ўринли эмас.

Б) Мураккабдаги мажозга мисол: Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидадир: **"Қўлида мулк бўлган У зот улуғ, муқаддас бўлди"** (Мулк сураси, 1-оят).

Оятдан мақсад Аллоҳнинг қудратини баёни ва Аллоҳ таолога мулк ва ҳукмронликни исботлашдир. Оятнинг мақсади қўлни исбот қилиш эмас. Бошқа сифатлар ҳам шундайдир.

Шу билан икки таъвил орасидаги фарқ намоён бўлади. Худди шу нарсани аллома, муҳаққиқ, шайх Муҳаммад Солиҳ Акинжий Форсий, Қунавий ҳафизаҳуллоҳ ҳам олға сурганлар.

Аллоҳнинг кўриш масаласи

Савол: Аллоҳ таолони кўриш хусусида аҳли суннанинг ақидаси нима?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоанинг ақидасига кўра, мўминлар охиратда роббиларини кўрадилар.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Охиратда Аллоҳ таолони кўрилади. Мўминлар жаннатда ўз кўзлари билан ташбеҳсиз, кайфиятсиз кўрадилар. У билан халқининг орасида масофа бўлмайди. Аллоҳ таолонинг кўришга қуйидаги оят далил бўлади.

"У Кунда (мўъминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир!" (Қиёмат сураси, 22-23-оятлар).

Саҳиҳул Бухорийда эса бу ҳадис келган.

«Сизлар Роббингизни мана шу ойни кўргандек кўрасиз. У Зотни кўришда бир-бирингизга қийинчилик туғдирмассиз...».

Савол: Мусулмонлардан бирортаси Аллоҳ таолони кўришни инкор қилганми?

Жавоб: Ҳа, мўътазила Аллоҳни кўришни инкор қилади. Улар охиратда Аллоҳ таолони кўрмайди, деб айтадилар. Бу нарса Аллоҳ таолонинг ҳаққида маҳол нарсадир. Чунки у каби бирор нарса йўқдир, деб сўзларига Аллоҳнинг қуйидаги: "**Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар!**" (Анъом сураси, 103-) оятини далил қилдилар.

Аҳли сунна уларга жавоб бериб оятнинг маъносини: "Иҳота қила олмас", деб айтишган. Албатта кўриш идроксиз бўлади. Гоҳида кўриш идроксиз ва иҳотасиз бўлади".

Лафз ва калом баҳси

Савол: Лафз масаласи у нима?

Жавоб: Бу масала мусулмонлар орасида Қуръон лафзи қадимми ёки махлуқми деган тортишувдан юзага келган. Асосан бу Аббосийлар халифалиги даврида ривожланди. Мўътазила фирқаси буни кўзгаб, ривожлантиришди. Бу билан имом Аҳмад ва у кишидан бошқа буюк суннат имомлари синовга дучор бўлишди.

Савол: Ушбу масалада аҳли сунна вал жамоанинг хулосаси нима?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоанинг хулосаси куйидагичадир. Қуръони карим Аллоҳ таолонинг каломидир. Аллоҳ таолонинг каломи қадим сифат бўлиб, Унинг Зоти билан қоим бўлувчидир. Аммо тилларимизда нутқ қилиб, мусҳаф китобларимизга ёзганимиздаги Қуръоний лафзлар махлуқдир. Мана шу уларнинг хулосасидир.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир. Мусҳафларда ёзилгандир. Қалбларда сақлангандир. Тилларда ўқилгандир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилингандир. Қуръондаги лафзимиз махлуқдир. Ёзганимиз махлуқдир. Қироатимиз махлуқдир. Қуръон эса махлуқ эмас.

Савол: Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг каломини эшитганларми?

Жавоб: Ҳа эшитганлар.

Имом Абу Ҳанифа бу ҳақда куйидагиларни айтганлар:

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 164-оятда айтганидек Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломини эшитганлар.

"Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди".

Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга гапирган сўзи азалдаги сифатидир.

Савол: Аллоҳ таолонинг каломи қадимдир, деган сўзнинг маъноси нима?

Жавоб: Маъноси, Аллоҳнинг каломи қадим бўлиб, махлуқларнинг сўзларига ўхшамайди, деганидир.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар.

Биз аъзолар ва ҳарфлар воситасида гапирамиз. Аллоҳ таоло аъзосиз ва ҳарфларсиз сўзлайди. Ҳарфлар махлуқдир.

Савол: Қуръони карим нима?

Жавоб: Қуръони карим Аллоҳ таолонинг каломи, Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган, тилларда ўқилади, мусхаф китобларда ёзилган, уни тиловати билан ибодат қилинади.

Савол: Қуръони карим оятлари фазилатда бири-биридан тафовут қиладими?

Жавоб: Қуръони карим оятлари айни Аллоҳ таолонинг каломидир. Уларнинг барчаси фазилат ва улуғворликда баробардир.

Фазилати: Зикр ва тиловати билан ибодат қилиниши.

Улуғворлиги: Аллоҳнинг каломи бўлишидир.

Ундаги тафовут оятларда зикр қилинган мавзу жиҳати билан бўлади.

1. Масалан, оятал курси деб гомланган оятларда Аллоҳнинг жалоли, азамати ва сифатлари зикр қилинган. Унда икки фазилат бордир.

А) Зикр фазилати.

Б) Зикр қилинаётган Зотнинг фазилати.

2. Аммо кофирларнинг хабарлари берилган оятларда зикр қилинганлар фақат кофирлар бўлгани учун уларда фазилат йўқ. Уларда бир фазилат бор, у ҳам бўлса зикр фазилатидир.

2 НУБУВВАТ

Савол: Нубувват нима?

Жавоб: Нубувват, набийлар ва расулларни ҳолатини, улар ҳаққида нима вожиб, нима жоиз ва нима маҳол эканини баҳс қилувчи масалалар баёнидир. Уни аллома Марзукий қуйидаги сўзида жамлагандир:

Анбиёларни донишманд, ростгўй, даъватчи ва омонатдор эгаси қилиб юборди.

Уларнинг ҳаққида тасодифий ҳодисалар худди енгил касаллик каби ва нуқсонсиз жоиздир.

Уларнинг маъсумликда (гуноҳдан холи) бўлиши бошқа фаришталар каби вожибдир. Улар фаришталар билан фазилатда беллашурлар.

1. Пайғамбарлар ҳаққидаги вожиб нарсалар:

Ростгўйликларини, даъватчи эканларини, омонатдорликларини ва донишманд эканларини эътиқод қилиш.

2. Пайғамбарлар ҳаққидаги маҳол нарсалар:

Юқоридагиларнинг зидди маҳолдир.

3. Пайғамбарлар ҳаққидаги жоиз нарсалар:

Уларнинг маъсумликларига таъсир қилмайдиган даражада тасодифий ҳодисаларнинг содир бўлиши.

Улар жоиз нарсалар	Уларга маҳол нарсалар	Расулларга вожиб
---------------------------	------------------------------	-------------------------

		нарсалар
Уларнинг маъсумликларига таъсир қилмайдиган даражада тасодифий ҳодисаларнинг содир бўлиши.	Ақли пастлик	донишмандлик
	ёлғончилик	ростгўйлик
	яшириш	даъватчи
	хиёнат	омонатдорлик

Савол: Набий ва расулларнинг сони аниқ келтирилганми?

Жавоб: Ҳа, Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Мен: "Эй Аллоҳнинг расули, набийлар қанча?" десам, у зот: "120 минг", дедилар. Мен: "Эй Аллоҳнинг расули, ана шундан расуллар қанча?" десам, у зот: "313 та ва ундан кўпроқ" дедилар.

Имом Аҳмад ва ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Бундан бошқа ривоятлар ҳам бор.

Баъзи уламолар сонни таъйин қилмаган афзал деб айтишган. Набийларнинг расуллардан кўп эканини билишнинг ўзи кифоя қилади. Ҳар бир расул набийдир. Ҳар бир набий расул эмас.

Савол: Исмларини ёд олиш шарт бўлган Пайғамбарлар кимлар?

Жавоб: Набий ва расуллардан ташкил топган 25 та пайғамбарнинг исмларини ёд олиб, ўрганиш шартдир. Уларнинг номлари Қуръони каримда келган. Ҳар бир мукаллаф киши уларнинг исмларини билмоғи лозим. Чунки улардан биттасини инкор қилиш Қуръонда келган нассни инкор қилгани учун кофир деб ҳисобланади.

Улар шеър ва назм қилувчининг сўзида жамланган:

Ҳар бир мукаллафга Набийларни батафсил ўрганиб, билиши даркордир.

Анъом сурасининг "Тилка ҳужжатунаа" деб бошланган оятида 18 та пайғамбар номи келгандир.

Қолгани 7 та бўлиб, улар: Идрис, Ҳуд, Шуъайб, Солиҳ, Зулкифл, Одам, ва хотимадаги Мустафодир.

Қуйидаги оятда 18 та Пайғамбарнинг номи келган.

"Мана шулар бизнинг Иброҳимнинг қавми устида берган ҳужжатларимиздир. Биз ўзимиз хоҳлаган кишиларни (мана шундай баланд) даражаларга кўтарурмиз. Албатта Парвардигорингиз ҳикмат эгаси ва билгувчидир. Биз унга (Иброҳимга фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчаларини биз ҳидоят қилдик. Илгари Нухни ҳам биз ҳидоят қилган эдик. Унинг (Нухнинг) зурриётида Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам биз ҳидоят қилдик). Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни (ҳам биз ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ бандалардандир. Исмоил, ал-Ясаъ (Ювшаъ пайғамбар), Юнус ва Лутни (ҳам биз ҳидоят қилдик). Ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик. Уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва биродарларидан ҳам (ўзимиз хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қилдик). Биз уларни сайлаб, тўғри йўлга ҳидоят қилдик" (Анъом сураси, 83-87-оятлар).

Савол: Набий ва Расулнинг таърифи нима?

Жавоб: Расул – хур, эркак инсон бўлиб, табиатан нафратланишдан, отасининг пасткашлигидан, онасининг беҳаёлигидан омонда бўлган кишидир. Унга шариатни ваҳий қилинган бўлиб, даъват қилишга буюрилган.

Набийнинг таърифи ҳам расулники каби бўлиб, фақат даъватга буюрилмаган.

Савол: Расул билан Набий орасидаги асосий фарқ нима?

Жавоб: Набийлар расулларга қуйидаги ишларда муҳолиф бўладилар:

1. Етказиш ва даъват: Жамики инсониятга умумий даъват. Аллоҳ бу нарсани фақат Расулларга буюрган. Бунга Аллоҳнинг қуйидаги ояти далил бўлади:

"Эй пайғамбар (алайҳиссалом), сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай. Албатта Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас" (Моида сураси, 67-оят).

"(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Биз Сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга — (мўъминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, Пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар" (Сабаъ сураси, 28-оят).

Суннатда қуйидаги ҳадис далил бўлади:

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо сўзлаб берди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга ўзимдан олдинги пайғамбарлардан бирортасига берилмаган беш нарса берилди: бир ойлик масофадан туриб қаттиқ кўрқинч (солиш) билан нусрат берилди; ер мен учун саждагоҳ ва покловчи қилиб берилди, умматимдан қай бир кишига намоз вақти етса, уни ўқисин; менга ўлжалар ҳалол қилинди; набий хоссатан ўз қавмига юборилар эди, мен эса одамларнинг ҳаммасига юборилдим; менга шафоат (ҳуқуқи) ато этилди», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Сўнгра яна у зот: «Набий хоссатан ўз қавмига юборилар эди, мен эса одамларнинг ҳаммасига юборилдим; менга шафоат (ҳуқуқи) ато этилди», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

2. Шариат: Набий аввалги расулларнинг шариати билан юборилади. Аммо расул кўпинча янги шариат билан келади. Гоҳида баъзи ҳукмларда ўзидан аввалги шариатга эргашади.

3. Самовий китобларнинг тушиши:

Бу баъзи расулларнинг хусусиятидир. Набийлардан бирортасига самовий китоб тушмагандир. Шунингдек ҳамма расулга ҳам китоб тушавермаган. Балки, улул азм бўлган расулларга тушган холос.

Савол: Улул азм расуллар ким?

Жавоб: Улул азм расуллар саҳиҳ сўзга қараганда бештадир. Улар:

Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва набийимиз Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сиз ҳам пайғамбарлар орасидаги улул-азм — сабот-матонат эгалари сабр қилганларидек!" (Аҳқоф сураси, 35-оят).

Савол: Расул ва набийлар хусусида қандай эътиқод қилиш вожиб?

Жавоб: Набийлар ҳақида эътиқод қилиш вожиб бўлган нарса учтадир. Улар:

Ростгўй, даъват ва омонатдорлик.

Баъзи уламолар тўртинчи вожибни ҳам қўшишган. У фатонат (донишмандлик)дир.

Ушбу тўрт фазилатни саййид Аҳмад Марзукий ал-Маккий "Ақидатул авом" номли китобида қуйидагича жамлаган.

Набийлар фатонат, ростгўйлик, даъватчи ва омонатдор қилиб юборилгандир.

Аммо маъсумлик (гуноҳдан холи бўлиш) омонат васфини ўз ичига олади.

1. Ростгўйлик: Уни воқеълик учун мувофиқ дейилади. Аллоҳ ҳақида бизга хабар беришган барча нарсага эътиқод қилиш вожибдир.

2. Даъват ва етказиш: Аллоҳнинг шариатини етказиш. Набийлар ва расуллар Аллоҳ уларга юборган барча нарсани етказишган, ундан бирор нарсани яширишмаган. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"Эй пайғамбар (алайҳиссалом), сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган

нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз" (Моида сураси, 67-оят), деб айтган.

Набий билан расулнинг даъват қилиб етказиши орасидаги фарқни зикри ўтди. Расулни етказиб, даъват қилиши, то янги расул янги шариат билан келгунича ўзининг яшаётган замонида ва ундан кейинги замондаги барча халқи учун умумийдир. Аммо Набийнинг етказиб, даъват қилиши фақат қавми учун хосдир.

3. Омонатдорлик: Ботинни ва зоҳирни ман қилинган нарсалар аралашидан ҳимоя қилиш. Набий ва Расулларга пайғамбарлик келишидан олдин ҳам, кейин ҳам кабира (катта) гуноҳлар тугул сағира (кичик) гуноҳларни бажариш ҳам жоиз эмас.

4. Фатонат (донишмандлик): Донишлик, сергаклик, ҳужжат ва далилларни келтирмоқ. Фатонат аҳмоқ ва бефаҳмлиқнинг аксидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: **"Мана шулар бизнинг Иброҳимнинг қавми устида берган ҳужжатларимиздир"** (Анъом сураси, 83-оят).

"Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужода-ламунозара қилинг!" (Наҳл сураси, 125-оят).

Савол: Маъсумлик нима?

Жавоб: Имом Абу Мансур Мотуридий маъсумликни: "Яхшилиқни амалга оширишга ундовчи ҳамда имтиҳон ва синов ихтиёри қолиш билан бирга ёмонликдан тийилишга ундовчи Аллоҳ томонидан берилган лутфу-марҳамат", дея таъриф бердилар.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ: "Набийлар алайҳиссаломларнинг барчалари кичик ва катта гуноҳлардан ҳамда куфр ва қабихликлардан покиза бўлган кишилардир", деб айтдилар.

Савол: Маъсумликнинг тақозо қиладиган нарса хатога гирифтор бўлмасликими? Бунга далил бўладиган мисол айтинг?

Жавоб: Хато ва камчилик инсон табиатида бор нарса. Пайғамбарларда маъсумлик (гуноҳдан холи бўлиш) вожибдир. Лекин баъзиларидан шундай иш содир бўладики, унинг зоҳири хатога ўхшайди. Аслида у камолотларининг аломатидир.

Имом Абу Ҳанифа айтдилар:

Гоҳида улардан тойилиш ва хатолар содир бўлган.

Тойилиш ва хатоларни кичик гуноҳ ва қабих нарсалар ҳамда куфр ва қабира гуноҳлардан поклаш ортидан зикр қилишлари, улар орасида фарқ борлигига далолат қилади. Яъни, тойилиш ва хатолар кичик гуноҳ ва қабих нарсаларнинг жинсидан эмас. Энди ундан юқорисига йўл бўлсин!

Ана шу тойилиш ва хатолар набийлар ҳақида худди қоқилиш кабидир. Чунки улар олий мақом ва юқори ҳолатдадирлар. Уламолар ана шу тойилишни ўзларидаги камолот ва маъсумлик билан мувофиқ равишда содир бўлувчи нарса, деб айтишди.

Савол: Набийларнинг маъсумлиги сўзи атрофида шубҳалар борми? Улардан баъзисини айтинг?

Жавоб: Ҳа, баъзи шубҳа уйғотувчилар томонидан Пайғамбарларнинг маъсумлиги ҳақида

эътироз билдиришади. Улардан гуноҳ содир бўлиши хусусида оят ва ҳадисларнинг зоҳирига қараб, далиллар келтиришади. Лекин илмий ҳақиқат улар далил қилиб келтирган нарсаларнинг аксидир.

1-мисол: Одам алайҳиссаломнинг дарахтдан ейишлари.

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасининг 121-оятида **"Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди"**, деб айтган.

Аҳли сунна уламолари унинг тафсири хусусида ихтилоф қилиб, Набий ўлароқ гуноҳ қилиш нисбати хусусида бир неча жавобларни айтишган. Улардан: Дарахтдан ейишлари жаннатда, яъни нубувватдан олдин содир бўлгандир. Мана шу нуқтада бир жамоа уламолар: "Набийларга нубувватдан олдин кичик гуноҳлар содир бўлиши жоиздир", деб айтишган. Бу масалада батафсил ва узун сўзлар борки, улар бу мақомга муносиб эмасдир.

2-мисол: Мусо алайҳиссалом Қибтий кишини ўлдириб қўйганлари:

Бу қисса Қуръони каримда қуйидагича келтирилган. **"Шунда Мусо бир мушт уриб уни ўлдириб қўйди"** (Қасос сураси, 15-оят).

"(Кейинроқ йигитлик чоғингда) бир жонни ўлдириб қўйганинда Биз сени бу ғамдан қутқарган эдик" (Тоҳа сураси, 40-оят).

"(Мусо) деди: "Парвардогорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан кўрқурман" (Қасос сураси, 33-оят).

Эътироз билдирувчилар Пайғамбарлардан хато содир бўлишига ушбу оятни далил қилишади. Бу шубҳалидир.

Жавоб эса айни ўша ояти каримададир. Мусо алайҳиссалом унга бир мушт урдилар холос. Яъни ўлдиришни қасд қилмасдан қўлларини олиб бордилар. Мушт одатда одамни ўлдирмайди. Бу ерда Мусо алайҳиссалом ўлдиришни қасд қилишлари рад этилмоқда.

3-мисол: Расулнинг намозда хатога йўл қўйиши:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозида адашиб, икки ракатда салом беришлари қиссасида "икки узун қўл соҳиби" лақабли саҳоба ундан огоҳ этганлари машҳур ҳадисдир.

Бу ҳадисга жавоб шуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унутишлари иллат ёки беморликдан эмас, балки шариатга киритиш учун Аллоҳ ирода қилган ҳикматга биноан содир бўлган унутишдир. Агар у зотдан фарз намозидаги адашиш содир бўлмаганида саждаи саҳвнинг шариатдаги ҳукмини мусулмонлар билмай қолишар эди. Чунки амалдаги далолат сўздаги далолатдан кучлироқдир. Худди шу ҳақда имом Божурий роҳимаҳуллоҳ ҳам гап юритганлар.

Савол: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хусусларида мусулмон киши эътиқод қилиши вожиб бўлган нарса нима?

Жавоб: Албатта Аллоҳнинг расули Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳабиби, қули, расули, набийси, соф ва покиза танлаб олгани бўлиб, у зот бут-санамга ибодат қилмаган, Аллоҳга бирор нарсани кўз очиб юмгунча ҳам шерик қилмаган, ҳеч катта ва кичик гуноҳ содир этмаганлар.

У зотга Аллоҳнинг салавати ва саломи бўлсин!

У зотнинг шарафли насаблари:

Мусулмон киши Пайғамбаримизнинг насаби шарифларини ёдлаб, ўрганмоғи лозимдир.

У киши: Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб, ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъд ибн Аднондир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғил ва қизлари:

Мукаллаф (шариатнинг буйруғини бажаришга ёши етган) киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғил ва қизларининг исмини билиши шартдир. У зотнинг фарзандларининг сони еттита бўлиб, тўрттаси қиз ва учтаси ўғил боладир.

Аллома саййид Аҳмад Марзуқий айтдилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг етти фарзандлари бўлиб, улардан учтаси ўғил эканини сен билгин.

Қосим ва Абдуллоҳ бўлиб, уни Тоййиб ва Тоҳир, деб лақаб қўйилган.

Иброҳим чўриларидан бўлиб, унинг онаси Мория Қибтийядир.

Тўрттаси қиз эканини эслаб, Роббимнинг саломи барчаси учун эканини эсланур.

Фотимаи захро, унинг эри Алийдир. Бу иккиларининг ўғиллари фазилати улугдир.

Зайнаб, ундан кейин Руқайя ва Умму Гулсум бўлиб, рози бўлган ҳолда улгайшиди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари хотинлари Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳодандир.

Савол: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин одамларнинг энг афзали кимдир?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Набий алайҳимус саломлардан кейин одамларнинг энг афзали Абу Бакр ас-Сиддик, сўнгра Умар ибн Хаттоб ал-Форук, сўнгра Усмон ибн Аффон зин нуройн, сўнгра Алий ибн Абу Толиб ал-Муртазолардир. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин!

Мана шу аҳли сунна вал жамоанинг жумҳури иттифоқ қилган нарсадир.

Уларнинг афзалликлари ҳақидаги сўзларнинг хулосаси:

1. Уларнинг афзалликларининг тартиби халифаликдаги тартиблари кабидир. Мана шу жумҳурнинг сўзидир. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ҳам "Фикҳул акбар" китобида шуни айтганлар.

2. Алий розияллоҳу анҳуни Усмон розияллоҳу анҳудан юқори мартабага қўйиш имом Молик, баъзи аҳли сунна ва мўътазиланинг жумҳурининг фикридир. Хусусан Зайдийлар шуни айтади.

3. Алийнинг учта халифалардан юқори мартабага қўйиш. Бу ғулувга кетган шийъаларнинг сўзидир. Аммо икки аввалги халифа ҳақларида бўлмағур гапларни гапирганларни Рофизийлар деб номланади. Уларнинг баъзи фирқалари ғулувга кетиб, оли байтдан ўн иккиталарига маъсумликни

даъво қилишди. Ана шуларни "Имомийлар", "Иснааъшарийялар", деб номланади. Шийъаларнинг фирқалари ва даражалари бордир.

Савол: Саҳобалар ҳақида гапирганларнинг ҳукми нима?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бирортасини эслайдиган бўлсак фақат яхшилик билан эслаймиз. Мана шу аҳли суннанинг энг муҳим қоидаларидан биридир. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳадисдаги нассга мувофиқ энг яхши асрда яшашган. Яна бир неча ҳадислар саҳобаларга эътироз билдиришдан ман этиб, зикр қилинган. Масалан:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Менинг саҳобаларимни ҳақоратламанглар! Менинг саҳобаларимни ҳақоратламанглар! Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, бирортангиз Уҳуд тоғидек тиллани садақа қилса ҳам, улар (қилган садақа)нинг бир муддига, ҳатто унинг ярмига ҳам етмайди». Муттафақун алайҳ.

Уларнинг орасида бўлиб ўтган ишларни гапириб, шўнғиш нафратланишга олиб боради. Уларга нафрат қилиш ҳаромдир. Улардан ажралиб олиш куфрон ва хусронликдир. Шунингдек, уларга муҳаббатли бўлиш дин ва иймондир.

Савол: Ғайриоддий ва ақл бовар қилмайдиган нарса нима?

Жавоб: Ғайриоддий ва ақл бовар қилмайдиган нарса у, Аллоҳнинг амри билан ақл ва одатланилган нарсага тескари бўлувчи нарсани тушунилади. У ҳақ нарса бўлиб, соғлом ақидадандир.

Савол: Ақл бовар қилмайдиган ғайриоддий нарсаларнинг қандай қисмлари бор?

Жавоб: Ақл бовар қилмайдиган ғайриоддий нарсалар бир неча турга бўлинади. Улардан:

1. Башоратлар: Пайғамбар зухур бўлишини коинотдаги нарсалар башорат қилишидир. Масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом туғилган йиллари бўлган ҳодисалар, фил йили ҳодисалари, шайтонларни учқунлар отиш билан қаршиланиши, форсларнинг олови ўчиб қолиши ва шунга ўхшаш ишлар каби нарсалар.

2. Мўъжизалар: Уларни аломатлар ҳам деб номланган. У пайғамбарларда ўз исботини топгандир. У нарса ақл бовар қилмайдиган ғайриоддий нарса бўлиб, Аллоҳ таоло ўша пайғамбарни бошқалардан устун келиши учун унинг қўлида зоҳир айлади.

Мўъжиза ҳақ, жоиз ва мумкин нарсадир. Пайғамбарларнинг мўъжизалари жуда кўпдир. Масалан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бармоқлари орасидан сув булоқ бўлиб чиқиши, баъзи ғайб (метофизика)га оид нарсаларни хабар беришларидир. Ёки Аллоҳнинг Пайғамбари Исо алайҳиссаломни отасиз туғдириши ёки Аллоҳнинг

Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломни оловга улоқтирилганида олов ёндирмагани каби ишлардир.

3. Кароматлар: У Аллоҳ таолонинг дўстлари, яъни валий зотларда содир бўладиган ақл бовар қилмайдиган ғайриоддий нарсалардир.

Кароматлар ҳақ, жоиз ва мумкин нарсадир. Авлиёлар тақводор мўминлардир.

Аллоҳ таоло айтганидек:

"Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (Охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордир" (Юнус сураси, 62-63-оятлар).

Кароматлар расулнинг ростгўйлиги аломатларидир. Чунки эргашувчининг каромати эргашилаётганнинг кароматидир. Кароматлар аҳли суннанинг наздида ҳақ ва ростдир. Мўътазила фирқаси муҳолиф ўлароқ уни содир бўлишини инкор қилдилар. Бидъатчи жамоа уларга эргашишди. Уларнинг хилоф қилишларида ибратли ўрин йўқдир.

4. Истидрож⁷: Уни имом Абу Ҳанифа "Ҳожатлари чиқарилиши", деб номлаганлар. Истидрож ғайриоддий нарса бўлиб, Аллоҳ душманларининг қўлида жорий бўлади. Масалан, Иблис, Фиръавн ва дажжол каби.

Бунга Аллоҳнинг қуйидаги ояти далил бўлади.

"Оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса Биз ўзлари билмай қоладиган тарафдан секин-

⁷ Истидрож - бирданига эмас, қўйиб бериб, даражама-даража ўтказиб, охирида ушлаш дегани. Ўзбекча ибора билан айтсак, арконни узун ташлаб қўйиш дегани.

аста (халокатга) **олиб борурмиз**" (Аъроф сураси, 182-оят).

Ғайриоддий ишлар Иблис ёки дажжолда ҳам жорий бўлаверади.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ бу ҳақда: "Биз уни мўъжизалар ва кароматлар деб номламаймиз. Балки, уларнинг ҳожатларини чиқариш, деб номлаймиз. Чунки Аллоҳ таоло кейинчалик тортиш ва азоблаш учун душманларининг ҳожатларини даражами даража бароридан келтиради. Улар бундан гурурга кетадилар ва оқибатда туғён ва куфрга дучор бўладилар. Буларнинг барчаси жоиз ва мумкин нарсадир.

Савол: Кароматлар билан мўъжизалар орасидаги хилоф кўриниши нима?

Жавоб: Каромат мўъжизадан қуйидаги нарсаларда фарқланади:

1. Мўъжиза расул ёки Набийнинг қўлида содир бўлади. Каромат эса, солиҳ ва тақводор валийнинг қўлида содир бўлади.

2. Мўъжиза рақобатлашиш билан қарийна (яқин) қилинган. Каромат эса рақобатлашишга қарийна қилинмаган.

Бир қоида бор:

Набийга мўъжиза бўлиши жоиз нарсаси, валий учун каромат бўлиши ҳам жоиздир. Лекин Масиҳ (Исо) алайҳиссалом отасиз туғилишларидаги мўъжиза ёки ҳайвоннинг қалби музлаб қолиши каби нарсаларда жоиз эмас.

Ибн Раслон қуйидаги сўзни айтганлар:

*Авлиёлар каромат эгаси мартабасида бўлиб,
Отасиз бола бўлишига етиб бормаганлар.*

Савол: Исро ва Меърож набавий мўъжизалардан бўлиб, уни инкор қилганнинг ҳукми нима?

Жавоб: Исро ва Меърож буюк набавий мўъжизалардан бўлиб, унга иймон келтириш вожибдир. Исро ва Меърож руҳ ва жасадда, ухламасдан уйғоқлик пайтларида бўлган.

Исро Қуръони карим ояти билан исботланган. Аллоҳ таоло Исро сурасининг 1-оятида:

"(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Мухаммад алайҳиссалом)ни – унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масдил-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) Пок Зотдир. Дарҳақиқат, У Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир".

Изоҳ: Бу – меърож, яъни Аллоҳ таоло ҳузурига кўтарилиш қиссаси бўлиб, у пайгамбар алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилишларидан бир йил илгари воқеъ бўлгандир. Расулulloҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Бир кеча Масжид-ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик, бу ердаги Масжид-ал-Ақсода икки ракаат нафл намози ўқигач, яна Буроққа миниб Жаброил билан осмонга йўл олдик... Еттинчи осмонга етгач, Аллоҳ таоло менга ва менинг умматимга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилиб, деди: «Бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намознинг ҳар бирига ўн намоз савобини ато этурман! Демак, беш вақт

намоз ўқиган кишига эллик вақт намоз савоби ёзилур. Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса, бир савоб, адо эта олса, ўн савоб ато қилурман. Энди кимки, бирон ёмон ишни – гуноҳни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар ўша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур», Парвардигоримдан ушбу вазифаларни олиб, заминга тушдим ва бир нафасда ўзимни Маккада кўрдим».

Ривоят қилишларича, пайгамбар алайҳиссалом меърожга чиқиб кетаётиб ҳужраларининг эшигини ёпганларида қимирлаб қолган эшик ҳалқаси осмондан қайтиб тушганларида ҳам силкиниб турган экан.

Исро воқеъасини инкор қилган киши қатъий далил билан исботини топган нарсага хилоф қилгани учун кофир бўлади.

Аmmo Меърож воқеъаси саҳиҳ ҳадислар ва ижмоъга биноан исботини топган. Уни инкор қилган киши кофир бўлмайди, балки, фосиқ ва бидъатчи бўлади.

Имом Абу Ҳанифа "Фикҳул акбар" китобларида: "Меърож хабари ҳақдир. Ким уни рад қилса, бидъатчи ва адашгандир", дедилар.

Аҳли сунна ва жамоанинг жумҳури сўзига мувофиқ Исро ва Меърож руҳ ва жасад билан бўлиб, уйқуда эмас, балки уйғоқликда содир бўлган.

3

САМЪИЙЁТ (ҒАЙБИЙЁТ)

Савол: Самъийёт (ғайбийёт) нима?

Жавоб: У фаришталарга, охират кунига ва шунга тааллуқли каби нарсаларга иймон келтиришдир.

Савол: Фаришталар кимлар?

Жавоб: Фаришталар нуроний ва латиф жисм бўлиб, ҳар турлик шакл ва шамойилда кўринишга кодирдирлар. Аллоҳ уларни Ўзига ибодат қилиш учун яратган бўлиб, улар Аллоҳ буюрган нарсага осийлик қилмайдилар ва буюрилган нарсаларни амалга оширадилар.

Савол: Фаришталарни эркак ёки аёл деб васф қилиш жоизми?

Жавоб: Фаришталарни эркак ёки аёл деб васф қилиш жоиз эмас. Ким фаришталарни аёл деб васф қилса, Аллоҳнинг сўзига хилоф қилгани учун кофир бўлади.

"(Ҳолбуки,) ўзлари Раҳмоннинг бандалари бўлмиш фаришталарни «Қизлар» дедилар. Ё улар (Аллоҳ фаришталарни) яратишига гувоҳ бўлганмидилар?! Уларнинг бу «гувоҳ»ликлари албатта (номаи аъмолларига) ёзилур ва улар (Қиёмат Кунда) сўроққа тутилурлар!" (Зухруф сураси, 19-оят).

Ким фаришталарни эркак деб васф қилса, фосиқ бўлади. Чунки у ғайб ишига ўринсиз аралашган ва динда далилсиз гапирган бўлади.

Савол: Мукаллаф кишилар билиши вожиб бўлган фаришталарни айтиб беринг?

Жавоб: Тафсилоти билан билиш шарт бўлган фаришталар ўнтадир. Аллома Марзукий роҳимаҳуллоҳ қуйидаги сўзларида уни жамлаганлар:

Батафсил ўрганиш лозим бўлгани ўнта бўлиб, улардан Жаброил, Мийкоил, Исрофил, Азроил, Мункар ва Накир, Роқиб, Атийд, Молик ва Ризвон бўлиб, сен ўрнак ол.

– Жаброил: Фаришталарнинг бошлиғи ва ваҳийнинг омонатдори ҳамда буюк низомидир.

– Мийкоил: Сув ва ёмғир учун вакил қилинган фариштадир.

– Исрофил: Сурни чалишга вакил қилинган фариштадир.

– Азроил: Ўлим фариштасидир.

– Мункар ва Накир: Қабр фитнаси, яъни қабрда сўроқ-савол қиладиган икки фариштадир.

– Роқиб ва Атид: Яхшиликлар ва ёмонликларни ёзадиган икки фариштадир.

– Молик: Жаннат хазинабони.

– Ризвон: Жаннатлар хазинабони.

Савол: "Фикҳул акбар" китобида зикр қилинган энг муҳим охиратга тааллуқли ғайбийёт нарсалар нима?

Жавоб: У китобда олтита иш зикр қилинган. Улар: Қиёмат аломатлари, қабр азоби, ҳавзу кавсар, шафоат, тарозу, жаннат ва дўзахдир.

1

Қиёмат аломатлари

Савол: Қиёмат аломатлари нима?

Жавоб: Қиёмат аломатлари Фиёматни яқин қолганидан дарак берувчи аломатлардир. У уч турли бўлади.

1. Кичик аломатлар.
2. Ўрта аломатлар.
3. Катта аломатлар.

Савол: "Фикҳул акбар" китобида келган Қиёматнинг катта аломатларидан энг муҳимларини айтиб беринг.

Жавоб: Унинг тўртта аломати бордир. Улардан:

1. Дажжолнинг фитнаси: У одам болаларидан бўлган бир яҳудий кишидир. Уни шайтон ёки бошқа нарса деб айтганлар ҳам бор. У аввалда одамларни яхшилик ва истиқоматга чақиради. Сўнгра илоҳликни даъво қилади. Унга яҳудийлар эргашади. Дажжолнинг аломати, унинг бир кўзи ғилай ва бўрттиб чиққан бўлишидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини ҳар бир намоз охирида унинг фитнасидан паноҳ тилашга буюрганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Бирортангиз ташаҳхуд ўқиса, тўрт нарсдан Аллоҳнинг паноҳини сўрасин: «Аллоҳим! Мен жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт-мамот фитнасидан ва масиҳ дажжол фитнасининг ёмонлигидан Сенинг паноҳингга қочаман», дейди».

Имом Муслим ривояти.

Дажжол ҳақида жуда кўп ҳадислар бор. Унинг ўлдирилиши, Фаластиннинг Луд дарвозаси олдида Масиҳ Исо алайҳиссалом қўлларида юзага келади.

Аҳли сунна вал жамоа Дажжолни охирги замонда чиқишига иттифоқ қилишган. Унинг чиқишини хавориж, баъзи мўътазила ва замонамиздаги фирқаларга ўхшаган бидъатчилар томонидан инкор қилинади. Улар мутавотир далиллар турганида ақл ва ҳавойи нафсларидан бошқа нарсага эргашишмайди.

Аллоҳдан омонлик сўраймиз!

2. Масиҳ Исо ибн Марям алайҳиссаломнинг тушишлари:

Бунга Аллоҳнинг сўзидан куйидаги оятлар далил бўлади.

"Албатта (Ийсо Қиёмат) Соати ҳақидаги билим-аломатдир. Бас, сизлар у (Соат) ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Макка аҳлига айтинг): «Менга эргашинглар! Мана шу тўғри йўлдир» (Зухруф сураси, 61-оят).

"Ҳар бир аҳли Китоб (охир замонда Ийсо алайҳиссалом кўкдан ерга қайтиб тушганларида) ўлими олдидан унга (яъни Ийсога) албатта иймон келтирур. Қиёмат Куниси эса (яхудийлар уни яланғоч қилганлари учун, насронийлар уни Худонинг ўғли деб адашганлари учун) у буларнинг зарарига гувоҳ бўлур" (Нисо сураси, 159-оят).

Исо алайҳиссалом Дамашқ шаҳрининг шарқидаги оқ минорага тушадилар. Унинг муддати ҳақида ҳадис ва хабарлар кўпдир.

3. Яъжуж ва маъжужнинг чиқиши:

Улар одамлардан ташкил топган бир миллатдир. Ғафлат босган пайтда юзага чиқадилар. Қуръон уларни бир неча оятларда васф қилган.

Аллоҳ таоло: **"То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган ва ҳақ ваъда (яъни, Қиёмат) яқин бўладиган вақтгача улар (яъни, Биз ҳалок қилган кимсалар) қайтмайдилар"**, деб айтган (Анбиё сураси, 96-97-оятлар).

Уларнинг охириги замонда чиқишлари ҳам ғайб ишларидандир. Улар ерни фасодга тўлдириб, топган нарсаларини ейдилар.

4. Қуёнинг ғарб томондан чиқиши:

У куйидаги оятда келгандир.

"Парвардигорингизнинг оятларидан – қиёмат аломатларидан айримлари келишини кутмоқдалар холос. Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонда яхшилик касб қилмаган бирон жонга энди келтирган иймони фойда бермас" (Анъом сураси, 158-оят).

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда, у киши шу оятни ўқиб: **"Қуёшнинг ғарбдан чиқиши"**, деганлар.

Савол: Яна бошқа аломатлар ҳам борми? Унга иймон келтиришнинг ҳукми нима?

Жавоб: Ҳа, Қиёматнинг аломати ва шартлари кўпдир. Унга тўла ва батафсил иймон келтириш вожиб. Имом Абу Ҳанифа энг муҳим аломатларни

зикр қилиш билан қисқа матн билан кифояланганлар. Сўнгра у зот: "Саҳиҳ хабарларда келган Қиёмат кунининг бошқа аломатлари ҳақ ва содир бўлгувчидир", деб айтганлар.

Қолган аломатлар ҳақидаги батафсил сўзлар илм аҳлининг китобларида зикр қилинур.

2

Қабр азоби

Савол: Қабр азоби ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Мункар ва Накирнинг саволи ҳақдир. Улар қабрда бўлишади. Қабрда руҳни жасадга қайтарилиши ҳақдир. Қабр сиқиши ва азоби ҳақдир. Бу ҳолат кофирларнинг барчасида содир бўлади. Баъзи мўминларнинг осийларида бўлиши ҳам ҳақ ва жоиздир.

Ушбу ибора тўрт ишни ўз ичига олади, унга иймон келтириш вожиб бўлади. Улардан:

1. Қабрда руҳни маййитга қайтарилиши:

Аҳли сунна вал жамоадаги собит ақидалардан бири, маййитнинг руҳи дафн қилингандан кейин қайтади. Имом Бухорий ва Муслимдан қилинган ривоятда қуйидагича келтирилади.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Банда қабрига қўйилгач, яқинлари қайтиб кетади. У уларнинг оёқ кийимлари товушини эшитиб туради. Унинг олдида икки фаришта келиб, уни

ўтирғизишади ва: «Бу одам (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳақида нима дер эдинг?» дейишади. Мўмин киши: «Гувоҳлик бераманки, у зот Аллоҳнинг бандаси ва расулидир», дейди. Шунда унга: «Дўзахдаги ўрнингга бир қара, Аллоҳ сен учун уни жаннатдаги ўринга алмаштириб берди», дейилади».

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У икковини ҳам кўради», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

2. Мункар ва Накирнинг саволга тутиши:

Бу нарса Қуръони карим оятлари билан ўз исботини топгандир.

Аллоҳ таоло: "Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (Ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилур" (Иброҳим сураси, 27-оят), деб айтган.

Имом Бухорий ва Муслимлар Баро ибн Озибдан марфуъ ҳолда қилишган ривоятда ушбу оят қабр азоби ҳақида нозил бўлган деб айтилган.

3. Қабрнинг сиқиши:

Маййитни қабр қўйилгандаги сиқиши.

Мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қабрни бир сиқиши бордир. Агар ундан бирор киши қутулиб қолганида Саъд ибн Муоз қутулиб қолган бўлар эди", деганлар.

Ибн Ҳиббон саҳиҳида ривоят қилган.

4. Қабр азоби ва унинг неъматлари:

Бу ҳам саҳиҳ ва собит ақидадандир. Кофир кимса қабрида азобланади. Мўмин унда неъматланади. Қабр азоби ҳақида Аллоҳ таолонинг Фиръавн ва унинг қавмида ҳақида айтган қуйидаги сўзида ўз исботини топгандир:

"(У азоб бир) оловдирки, улар эрта-ю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (қуйдирилурлар). (Қиёмат) Соати қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): "Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар", (дейилур)" (Ғофир сураси, 46-оят).

Изоҳ: Ушбу оят бирча уламолар томонидин қабр азоби ҳақ эканига очиқ далил деб тафсир қилинган. Чунки унда ҳали Қиёмат қойим бўлмасдан туриб Фиръавн ва унга эргашган кофирлар эрта-ю кеч олов азобига гирифтор қилинишлари очиқ-ойдин баён қилинди.

Мўминларга қабрда неъмат бўлиши ҳақида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Улардан:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: "Қабр жаннат боқчаларидан бир боқча ёки дўзах чуқурларидан бир чуқурдир", деб айтганлар.

Имом Термизий ривоятлари.

3

Шафоат

Савол: Шафоат нима?

Жавоб: Шафоат луғатда: Талаб қилиш.

Урфда эса: Яхшиликни бошқа кишидан бошқа кишига сўраб беришдир.

Шафоатлар кўп турлидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: "Энди қўллагувчиларнинг қўллови уларга фойда бермас!" (Муддассир сураси, 48-оят).

Изоҳ: Яъни, Қиёмат Кунида ҳаёти дунёдан кофир бўлиб ўтган кимсалар ўзлари учун бирон қўлловчи топа олмаслар ва агар фаразан ер юзидаги барчи одамлар уларни шафоат қилган-қўллаган тақдирда ҳам бу шафоат уларга фойда бермас!

Шафоатларнинг энг буюги бу Набий ва Расулларнинг шафоатларидир. Шафоат қилувчиларнинг яна ҳам буюкроғи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларидир, чунки у зот мақталган мақом соҳибидирлар.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг шафоатлари ҳақдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳкор мўминларга ҳамда иқоб вожиб бўлган кабира гуноҳ қилганларга нисбатан шафоатлари ҳақ ва собитдир. Пайғамбар алайҳиссалом бир неча шафоатларни рўёбга чиқарадилар. Улардан:

- Гуноҳкор мўминлар.
- Кабира гуноҳ қилувчиларни шафоат қилишлари.

Савол: Мақталган мақом ва буюк шафоат нима?

Жавоб: Буюк шафоатни Аллоҳ таоло Набийси, танлаб олгани ва Ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломга сақлаб қўйгандир. У тўхтаб турган оломон орасидаги ажримни талаб қилишдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"Кечанинг (бир қисмида) уйғониб, ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз сизни (қиёмат кунида) мақтовли (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) мақомда тирилтирур" (Исро сураси, 79-оят).

Тўхтаб турган оломон орасидаги ажрим:

Одамлар қабрлардан қайта тирилишганида намойиш маконида тўхтайдилар. Иссиқ ва терлашдан уларга қаттиқ машаққат етади. Шунда одамлар улул азм Расулларнинг ҳузурига боришса, улар: "Ўзимиз билан оворамиз, ўзимиз билан оворамиз", деб айтишади. Охири одамлар саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига боришса, у зот: "Мен унинг учун бораман, деб Аллоҳ ҳузурига бориб, Аршнинг остида то Буюк Олий Зотдан нидо келгунича узоқ сажда қиладилар. Шунда Пайғамбаримизга: "Эй Муҳаммад, бошингизни кўтаринг, сўранг, у сизга берилади. Шафоат талаб қилиб, шафоатингиз қабул қилинади", деб айтилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини кўтариб, бандалар орасида ажрим қилувчи ҳукм ўқилишини сўрайдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло шафоат қилувчиларга шафоат қилиши учун изн беради. Шафоат қилувчилар набийлар, расуллар ва улардан қуйи табақадагилар бўлади. Шунинг учун Ҳабибимиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоатларини буюк шафоат деб номланмоқда.

4

Мейзон (тарозу)

Савол: Мейзон нима? Унинг далили нима?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Қиёмат куни амалларни тарозу билан ўлчаниши ҳақдир. Амалларни ўлчанишига Аллоҳнинг қуйидаги сўзи далил бўлади:

"Биз Қиёмат Кунини учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яъни, заррачалик яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчидирмиз" (Анбиё сураси, 47-оят).

"(Амалларни) тўғри тортишлик ўша куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир" (Аъроф сураси, 8-оят).

Мейзон – амалларнинг миқдорини билинадиган нарсадир.

Савол: Қиёмат куни қасос олиш қандай бўлади?

Жавоб: Қиёмат куни қасос олиш яхшилик ва ёмонликларни (айирбошлаш орқали) бўлади.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Хусуматчилар орасида яхшиликлар билан айирбошлаш бўлиши ҳақдир. Агар яхшиликлари бўлмаса, унга ёмонликлар юкланиши ҳақ ва жоиздир. Бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари далил бўлади:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким биродарига ноҳақлик қилган бўлса, яхшиликларидан биродарига олиб берилмай туриб, агар яхшилиги бўлмаса, биродарининг ёмонлигидан олиб, унинг устига ташланмай туриб, ҳаққини ҳалоллаб олсин, чунки у ёқда диноҳ ҳам, дирҳам ҳам йўқ».

Имом Бухорий ривояти.

5

Ҳавзу кавсар

Савол: Ҳавз нима?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳавзлари ҳақдир. Яъни унга иймон келтириш аҳли сунна вал жамоанинг ақидаларидан биридир. Уни инкор қилган киши фосиқ бўлади. Мўътазила фирқаси уни инкор қилиб, бу ҳақда аҳли сунна вал жамоага хилоф қилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ҳолда ривоят қилинган Ҳавз ҳақидаги ҳадислар кўпдир. Улардан:

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо деди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳавзим бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан оқроқ, ҳиди мушқдан хушбўй, кўзалари осмон юлдузлари кабидир. Ким ундан ичса, ҳеч қачон ташна бўлмайди», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

6

Жаннат ва дўзах

Савол: Жаннат ва дўзах яратилганми?

Жавоб: Ҳа, яратилган.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ: "Жаннат ва дўзах яратилгандир", деб айтганлар. Яъни бу иккиси ҳозирда мавжуддир. Бу нарса мўътазилага хилофдир. Чунки улар жаннат ва дўзахни Аллоҳ таоло Қиёмат куни яратади, деганлар.

Бу иккисининг мавжуд эканига Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини далил қилинади.

"Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз. У (жаннат) тақфодор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир" (Оли Имрон сураси, 133-оят).

"Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан кўрқингиз" (Оли Имрон сураси, 131-оят)

Аллоҳ таолонинг "тайёрлаб қўйилган" деган сўзи Қиёмат кунидан аввал мавжуд эканига далилдир.

Савол: Жаннат ва дўзах фаноликка юз тутадами?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодларига кўра жаннат ва дўзах абадий бардавомдир. Улар йўқ бўлмайди. Жаннат аҳли неъмат ва дўзах аҳлининг азоби тугамайди.

Жаннат ва дўзах абадийлиги ҳақида Қуръони каримда далиллар кўпдир.

"Азоблари енгиллатилмаган, (озгина бўлса ҳам нафас ростлашга) муҳлат берилмаган

ҳолларида абадий (жаҳаннамда) қолгайлар" (Бақара сураси, 162-оят).

"Аммо Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун Аллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш – тағларидан дарёлар оқиб тургувчи боғлар бордики, улар бу боғларда абадий қолажаклар" (Оли имрон сураси, 198-оят).

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг қуйидаги сўзларида бу нарса очиқ ойдин баён қилинган:

"Жаннат ва дўзах абадий йўқ бўлмайди, Аллоҳ таолонинг иқоби ва савоби фаноликка юз тутмайди, у мангудир".

Баъзи Исломий фирқалар бу масалада хилоф қилдилар.

Мўътазила фирқаси: "Жаннат ва дўзах йўқ бўлиб, фаноликка юз тутайди", деб баъзи далилларни келтиришди.

Савол: Мўмин дўзахга қирадими?

Жавоб: Ҳа қиради, гоҳида фосиқ мўмин дўзахга қиради, аммо у ерда абадий қолмайди.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Гарчи фосиқ бўлсада дунёдан мўмин ҳолда чиққан бўлса, биз уни дўзахга қирмайди деб ҳам айтмаймиз ва у ерда абадий қолмайди деб ҳам айтмаймиз".

Савол: Дўзахда абадий қолишни вожиб қиладиган гуноҳлар нима?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоа дўзахда абадий қолдирадиган амаллар куфр ва ширк келтиришдир, яъни, Аллоҳ таолонинг ўхшаши бор ёки боласи бор ёки шунга ўхшаш ботил ва ширк ақидаларидир. Мана

шу ақида соҳиби вафот топиб, ўлимидан аввал тавба қилмаса, мана шу кофир ва мушрик бўлиб, жаҳаннам оловида абадий қолади.

Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ айтдилар:

Ким ширк ва куфрдан қуйи бўлган ёмонликларни содир этсаю, ундан тавба қилмаса, ҳатто мўмин ҳолатида вафот топса, у Аллоҳнинг хоҳишида бўлади. Агар Аллоҳ хоҳласа, уни дўзах билан азоблайди. Агар хоҳласа афв қилиб, уни асло дўзах билан азобламайди.

Ушбу иборадан қуйидаги нарсаларни истифода қилинади:

1. Ким ботил ақидадан тавба қилиб, Аллоҳга таслим ва тавҳидга иқроп бўлса, у дўзахда абадий қолмайди.

2. Ким мўмин ва муваҳҳид ҳолатида вафот топсаю, ширкдан қуйи бўлган гуноҳлардан бирортасини содир қилса, унинг иши Аллоҳ таолога ҳаволадир. Агар истаса, уни азоблайди. Агар истаса, уни кечириб юборади.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: **"Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур"** (Нисо сураси, 48-оят), деб айтган.

Хотима

Турлик масалалар хусусида

Савол: Ибодатда учта масала борки, имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ уни "Фикҳул акбар" китобида келтирганлар. Ўша уч нарса нима? Унинг далиллари қандай?

Жавоб: Ўша учта масала: Икки маҳсига масҳ тортиш, таровеҳ намози ва ҳар-бир яхши ва ёмоннинг ортида намоз ўқиш.

Биринчи масала: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Икки маҳсига масҳ тортиш суннат. Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган суннатдир. Унинг далиллари мутавотир бўлишига оз қолган. Маҳсига масҳ тортиш ҳадисини қирқдан кўп саҳоба ривоят қилишган. Баъзилар етмишта саҳоба дейишган.

Имом Кархий имом Абу Ҳанифадан қуйидаги сўзни нақл қилдилар:

"Мен икки маҳсига масҳ тортиш жоизлигини жоиз деб билмайдиган кишини кофир бўлиб қолишидан кўрқаман".

Рофиза фирқаси хилоф чиқиб, икки маҳсига масҳ тортиш суннат эканини инкор қилишди. Шунинг учун имом бу масалани инкор қилган киши дин усулларида бирини инкор қилган бўлади. У собит суннатлардандир, деб айтдилар.

Иккинчи масала: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Таровеҳни ўқиш Рамазон ойининг кечаларида суннатдир. Таровеҳ шундай намозки, уни муборак Рамазон ойининг кечаларида ўқилади. У ҳам собит суннатлардан бўлиб, уни юқоридаги масала каби Рофиза фирқаси инкор қилган. Таровеҳ намозини жамоатда ўқиш афзал, чунки у хулафои рошидийн суанларидандир.

Учинчи масала: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Ҳар бир яхши ва ёмоннинг орқасида намоз ўқиш жоиздир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳар бир яхши ва фожирнинг ортида намоз ўқийверинглар", деб айтганлар. (Дорақутний ривояти).

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Ҳажжожнинг орқасида намоз ўқиганлар. У золим ҳоким эди.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Валид ибн Уқба ибн Аби Муъитнинг орқасида намоз ўқидилар. У ароқ ичар эди.

Ҳа, модомики ҳаром нарсаларни ҳалол демас экан ёки динда зарурийлиги маълум бўлган нарсани инкор қилмас экан ўша фожирнинг ортида намоз ўқиладир. Агар динда зарурийлиги маълум бўлган нарсани инкор қилса, кофир бўлади. Унинг ортида намоз дуруст бўлмайди.

Савол: Нима учун ақидага оид масалалар билан фикҳий масалалар бирга келмоқда?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ бу масалаларни аҳамиятли бўлгани учун танбеҳ ўлароқ келтирмоқдалар. Аввалги икки масала, яъни масҳ тортиш ва таровеҳни инкор қилиш суннатни инкор қилиш деганидир. Маълумингизки, Набавий суннат шариат аслининг иккинчи ўрнида туради. Суннатни инкор қилувчи динни бузувчидир. Охирги учинчи масала эса, мусулмонлар жамоасига тааллуқлидир. Жамланиш вожиблиги ва фирқаланиш ёмонлиги ҳақида ҳадислар очик ойдин гапирган. Мана шу аҳли сунна вал жамоанинг қоидаларидан биридир.

Шунинг учун имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ унинг аҳамияти ҳақида огоҳлантирганлар.

Такфир (кофирга чиқариш) масалалари

Савол: Муваҳҳид мусулмонни кофирга чиқариш ҳукми нима?

Жавоб: Мусулмонларни кофирга чиқариш кабира гуноҳлардандир. Шунинг учун имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ аҳли сунна вал жамоанинг муҳим қондасини ишлаб чиқишга қарор қилганлар.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Мусулмонни бирор гуноҳ сабабли кофирга чиқармаймиз, агар уни ҳалол демаса, гарчи у кабира гуноҳ бўлса ҳам. Ундан иймон исмини айириб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб номлайверамиз. Улар ҳақ устида собит қолувчи обидлар бўлиб, кофир бўлмаган фосиқ мўминлардир.

Савол: Осий ва фосиқ мўминнинг ҳукми нима?

Жавоб: Мўмин гоҳида гуноҳларни қилиб қўяди. Ушбу гуноҳлар кичик ва катта гуноҳлар орасида тафовут қилади. Ким кабира гуноҳ содир қилса, фосиқ бўлади. Иймони осийлиги билан бирга йўққа чиқмайди.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ: "Мўмин кишига гуноҳлар зарар бермайди", деб айтмаймиз. Бу хусусда мўътазила билан хилофлик бор. Чунки улар мўмин кабира гуноҳ содир қилса, ундан иймон васфи тортиб олинади ва кофир бўлади, деб айтишади.

Аҳли сунна вал жамоа бу масалада ўрта йўлни танлаб: "Гуноҳкор мўмин гуноҳи миқдорича

азобланади. Лекин дўзахда абадий қолмайди", деб айтишган

Савол: Яхшиликлар ва солиҳ амалларнинг қабул этилишини кескин рад қилиш жоизми?

Жавоб: Аҳли сунна вал жамоанинг ақидасига биноан амаллар қабул бўлишини ёки ёмонликлар кечирилишини кескин рад қилинмайди.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

"Яхшиликларимиз мақбул ва ёмонликларимиз мағфур бўлиб кечирилган, деб муржиъалар каби айтмаймиз. Лекин ким шартлари билан, бузувчи айблардан ва ботил қилувчи маънолардан холи ҳолатда яхшиликларга амал қилса, дунёдан мўмин ҳолатда чиқса, албатта Аллоҳ таоло унинг амалини зое қилмайди. Балки ундан қабул этиб, унга савоб беради.

Хулоса:

1. Муржиъа фирқалардан бири бўлиб, улар қабул ва кечиришни кескин рад қиладилар.

2. Аҳли сунна вал жамоа амал қабул бўлиши ва гуноҳ кечирилишини кескин рад қилмайдилар. Балки бу масалада ўрта йўлни танлаб: "Агар қабуллик шарти мужассам бўлса, Аллоҳ солиҳ амални қабул қилиб, унга савоб беради", деб яхши гумон қиладилар.

Савол: Аҳли сунна наздида солиҳ амал қабул бўлиши шартлари нима?

Жавоб: Солиҳ амалнинг шартлари:

1. Амал риё⁸ ва ужб⁹ каби бузувчи айблардан холи бўлиши.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Агар амаллардан бирортасига риё аралашса, унинг савобини йўққа чиқаради. Ужб ҳам шу кабидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Аллоҳ фақат тақводорлардангина (қурбонликларини) қабул қилур**» (Моида сураси, 27-оят), деб айтган.

2. Амал ботил бўлмасдан саҳиҳ бўлиши даркор. Амалнинг ботиллиги куфр ва муртадлик сабаб юзага келади. Солиҳ амал соҳиби ҳаётлик пайтида куфр ёки муртадлик ортидан бажарган бўлса ботил бўлади.

3. Амалнинг эгаси иймонда ўлиши лозим. Ким кофир ёки муртад ҳолатида вафот топса, унинг амали қабул этилмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

"(Зотан), **Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз**", (Фурқон сураси, 23-оят) деб айтган.

Изоҳ: Исломий ақидага кўра ёлғиз Аллоҳга иймон келтирмасдан туриб қилинган ёки Ягона Аллоҳни кўзламасдан хўжасакўрсинга қилинган ҳар қандай яхши амал ҳам худди ҳавода учиб юрган чанг-тўзон каби фойдасиздир. Шу боисдан бут-санамлар йўлида қилинган ёки яхши ном чиқариш учун риёкорлик билан қилинган «савоб иш»ларнинг эгалари учун Қиёмат Кунисида бирон ажру-мукофот бўлмас.

⁸ Ибн Ҳажар Аскалоний риёни қуйидагича таърифлайди: «Риё одамлар кўриб, эгасини макташлари учун ибодатни изҳор қилишдир».

Имом Таҳонавий риёни қуйидагича таърифлайди: «Риё яхшиликни бошқалар кўрсин учун қилишдир. Унда холис ният ва ихлос бўлмайди».

⁹ Ужб – ўзи билан, амаллари билан фахрланиш, амалларини кўп деб билиш ва ўша амалларига суянишдир. Амалларни неъматларни берувчи Зотга эмас, ўзига нисбат беришдир. Ужбнинг энг катта зарари – солиҳ амалларни ҳабата қилиб юборади, яхшиликларни йўқ қилиб, мазамматни пайдо қилади.

Шубҳали нарсаларга сукут сақлашдан огоҳлантирилгани ҳақида

Савол: Агар шубҳали нарсага дуч келса мусулмон киши нима қилиши шарт?

Жавоб: Агар мусулмон кишига ақида ва диннинг муҳим ишларидан бирортаси мушкул бўлиб қолса, қуйидагича тасарруф қилиши лозим:

1. Аллоҳнинг наздида тўғри бўлган нарсани ижмолий¹⁰ тарзда тўғри эканини эътиқод қилиш. Мусулмон кишининг қалбига шубҳа тушган пайтда: "Аллоҳдан келган нарсага, Аллоҳнинг муродига мувофиқ иймон келтирдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган нарсага, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муродларига мувофиқ иймон келтирдим, шариатга иймон келтириб, шариатни тасдиқладим, Ислом динига муҳолиф бўлган барча динлардан ўзимни йироқ қилдим", деб айтади.

2. Бир олимни қидириб, ундан масалани батафсил сўраб олади.

Савол: Мусулмон киши мушкил нарсани ечими ҳақида баҳс қилишда кечикиши узрлими?

Жавоб: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ориз бўлган муаммони ҳал қилиш учун тўхтамасдан баҳс қилиш вожиблигини қаттиқ таъкидлаганлар. Чунки баҳсдан тўхташ шак-шубҳани келтириб чиқаради. Баҳс қилмаслик инкор ҳукмида бўлади. Чунки

¹⁰ Ижмолий ва тафсилий.

Аллоҳ таолони борлиги ва ғайбга тегишли ишларнинг борлигини ижмолий тарзда мулоҳаза қилиш. Бу "Лаа илааҳа иллаллоҳ Муҳаммадур росулуллоҳ" калимасини зеҳнда тасаввур қилиб, қалби билан тасдиқ қилганда ҳосил бўлади. Буни "иймони мужмал", дейилади.

Ғайбий иш ва ҳақиқатларни алоҳида-алоҳида далиллари билан бирга мулоҳаза қилиб тасдиқ қилишни батафсил тасдиқ қилиш, яъни "иймони муфассал", дейилади.

ақиданинг бино қилиниши кучли ишончга боғлиқ. Бу ўз ўзидан унга тескардир.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Талаб қилишни кечиктиришга ҳеч қандай узр йўқ. Агар талаб қилишдан тўхтаса, кофир бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, кимда сифатлар масаласида бирор иш мушкил бўлса, муҳаққи ва етук олимни қидириб, тушунмаган жойини сўраши вожиб. Агар у сўрашдан кечикса, гуноҳ ва машаққатга гирифтор бўлади. Чунки кечикиш, қалбда шакшубҳани оширади. Савол бериб сўрашдан тўхтаса, ўша тўхташ сабабли қалбида шубҳалар мустаҳкам ўрнашиб олади. Эҳтимол шу орқали куйфрга тушиб қолиши мумкин. Вожиб бўлган илмни талаб қилишдан кечиккани учун маломатга қолиши мумкин. Шунда у Аллоҳ таоло айтганидек қуйидаги ҳолатга тушиб қолиши мумкин.

"Албатта, Аллоҳ инсонларга бирон зулм-адолатсизлик қилмас. Балки, инсонлар (Яратганга иймон келтирмасликлари билан) ўзларига ўзлари зулм қилурлар" (Юнус сураси, 44-оят).

Аллоҳ таоло хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят қилади.

Шу ерга келганда ушбу талхис китоби ниҳоясига етди. Аллоҳ уни муборак ва манфаатли қилсин!

Ушбу китобни ўқиган, ўрганган ва тушуниши мақсадида устида тўхталган кишиларга манфаатли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан!

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Шарҳи ақидатут Таҳовийя".

Муаллиф: Ал-Бобартий Муҳаммад ибн Муҳаммад.

Уни Абдуссалом Шаннор зобт қилиб, унга таълиқ ва изоҳ ёзган.

1430-ҳижрий / 2009 мелодий санада Дамашқдаги "Дарул Байрутий" нашриётида чоп қилинган.

2. "Тухфатул мурид ъала жавҳаратит тавҳид".

Муаллиф: Ал-Божурий Иброҳим ибн Муҳаммад. Муҳаққи Муҳаммад Солиҳ Форсийнинг ҳошияси билан чоп этилган.

1428-ҳижрий/2007–мелодий санада Истанбулдаги "Иршод" мактабаси томонидан чоп қилинган.

3. "Ҳошиятул Бажурий ъала шарҳи санусийя".

Муаллиф: Бажурий Иброҳим ибн Муҳаммад. Абдуссалом Шаннор томонидан уни зобт қилиб, унга таълиқ ва изоҳ ёзилган.

1421-ҳижрий, 2001-мелодий санада Дамашқдаги "Дарул фарфур" нашриётида чоп қилинган.

4. "Усулул манийфа лил имами Аби Ҳанийфа".

Муаллиф: ал-Баёзий Камолиддин Аҳмад ал-Ҳанафий.

Муҳаммад Абдурроҳман Шоғул томонидан зобт қилинган.

2008-мелодий санада Қоҳирадаги "Мактабатул азҳарийяту лит турос" нашриётида чоп қилинган.

5. "Ишоротул маром мин иборотил имом"

Муаллиф: ал-Баёзий Камолиддин Аҳмад ал-Ҳанафий.

Юсуф Абдурраззоқ томонидан таҳқиқ қилинган. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий муқаддимаси билан чоп қилинган.

1368-ҳижрий / 1947-мелодий санада "Мактабату Мустафо ал-Бобий ал-Ҳалабий" нашриётида чоп қилинган.

6. "Шарҳун Насафийя фил ақидатил исломийя".

Муаллиф: Саъдий Абдулмалик ибн Абдурроҳман.

1430-ҳижрий / 2009-мелодий санада Мустафо Исмоил Кабийсийнинг нафақасига чоп қилинган.

7. "Шарҳу фикҳил акбар лиабий Ҳанийфатин Нўмон".

Муаллиф: ал-Қорий Мулло Алий ибн Султон ал-Ҳаравий.

Муҳаққиқ: Марвон Шиъор.

1430-ҳижрий / 2009-мелодий санада Байрутдаги "Дарун нафаис" нашриётида чоп қилинган.

8. "Шарҳи ақидатит Таҳовийя"

Муаллиф: Абдулғаний ал-Майдоний ал-Ғунаймий.

Муҳаққиқ: Абдуссалом Шаннор.

1425-ҳижрий / 2005-мелодий санада Дамашқдаги
"Дарул Байрутий" нашриётида чоп қилинган.

Мундарижа

Муқаддима.....	
Тавҳиднинг асли.....	
1. Илоҳиёт: Бандаларнинг феъллари ҳақидаги баҳс. Сифатлар ҳақидаги баҳс.....	
Мотуридийларда сифатларнинг тақсимоти.....	
Ашъарийлардаги сифатларнинг тақсими.....	
Хабарий сифатлар.....	
Аллоҳнинг кўриш масаласи.....	
Лафз ва калом баҳси.....	
2. Нубувват.....	
3. Самъийёт (Ғайбийёт).....	
Қиёматнинг аломатлари.....	
Қабр азоби.....	
Шафоат.....	
Мезон.....	
Ҳавзу кавсар.....	
Жаннат ва дўзах.....	
Хотима: Турли масалалар ҳақида.....	
Такфир: Куфрга чиқариш масалалари.....	
Шубҳаларга сукут қилишдан огоҳлантириш.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	
Мундарижа.....	